БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • №165 (17.447). • 21 июль 1979 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЯНАДА АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

Мўл ҳосил учун курашнинг энг қизғин палласи бўлган ҳозирги кунларда чопиқ, культивация ва суғоришни бир-бирига уйғунлаштириб олиб борайлик! Ниҳоллар парваришини шундай яхши уюштирайликки, ҳар бир туп ғўза баравж бўлиб ўссин ва ҳосил тўпласин. Бунинг учун пахта далаларида яна бир ой зўр матонат билан зарбдорчасига ишлайлик!

СССР ХАЛҚЛАРИ VII ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

СССР халқлари Спартакиадаси финал мусобақаларининг қатнашчилари ва меҳмонларини — совет ва чет эл спортчиларини, миллий ва халқаро спорт ташкилотларининг арбобларини, спорт матбуоти намояндаларини сидқидилдан табриклайман.

Юз миллиондан ортиқ киши қатнашган СССР халқлари ёзги Спартакиадаси якунловчи босқичга кирди. Бу Спартакиада совет спортининг байрамига, партия билан давлатнинг физкультурани ривожлантириш сиёсати ютуқларининг, улар совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги, ёш авлоднинг уйғун равишда камол топиши тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганликларининг ёрқин далилига айланди.

Спартакиада давомида кўпгина янги талантлар намоён бўлди. Совет спортининг обрў-эътиборини мустаҳкамлайдиган рекордлар қўйилди. Аммо энг муҳими шундан иборатки, янгидан юз минглаб ва милғионлаб турли ёшдаги кишилар, бепоён мамлакатимизнинг ҳамма миллат фарзандлари, ғоят хилма-хил касб соҳиблари физкультура ҳаракатига қўшилдилар.

Спартакиаданинг финалида совет спортчилари барча қитъалардан келган энг кучли атлетикачилар билан ҳам учрашишлари ғоят диққатга сазовордир. Спорт кишиларни бир-бирига яқинлаштиради, халқларнинг бир-бирини яхшироқ билиши ва тушунишига ёрдам беради. Олимпиада спорт ҳаракати амал қилаётган қардошлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик идеаллари ҳамиша турли миллат спортчилари учрашувларидаги муҳитни белгилаб беришини хоҳлаймиз. Бу галги Спартакиада мусобақалари айни шу идеаллар руҳида ўтишига ишончим комил.

VII ёзги Спартакиада қатнашчиларига муваффақиятли стартлар, ажойиб спорт ютуқлари тилайман, уларнинг Олимпиада арафасидаги Москвадаги кунлари қувончли ва ёқимли бўлишини истайман.

Л. БРЕЖНЕВ

ТАШАББУС ИЗИДАН

ПАХТА ЧАНОҒИДАН...

Шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистоннинг энг жанубий области бўлган Сурхондарёга Ростов-Дон яқинидаги Шахта шаҳридан меҳмонлар — СССР 50 йиллиги номли ип газлама комбинатидан вакиллар келишди. Бу комбинат йирик тўқимачилик корхонаси бўлиб, йилига 120 миллион метрдан ортиқ газлама тайёрлайди, маҳсулотининг оқлик даражаси эса мамлакатда энг юксак кўрсаткичга — 96-98 процентга етказилган. Ингичка толали пахта Шахтанинг газламаларини тўқиш учун хом ашё хизматини ўтайди.

Жарқўрғон пахта тозалаш заводи бундай толани асосий етказиб берувчи, «Сурхон» совхози далаларида етиштириладиган пахтани қайта ишловчи корхона ҳисобланади. Шахталиклар ва жарқўрғонликлар бир-бирларига ўзаро хат ёзиб туришади, ўзларининг муваффақиятлари ва муаммоларидан бир-бирларини хабардор қилишади. тўқимачилар ва пахтакорлар учрашишганида эса улар орасида «Пахта чаноғидан — тайёр маҳсулотгача Сифат белгиси» шиори остида мусобақалашиш ҳақида шартнома тузилди. Совхоз, завод ва комбинат коллективлари барча пировард маҳсулотнинг ҳаммаси энг юқори сифатли бўлишига эришиш мақсадида меҳнат қилиш мажбуриятини олишди.

Бу уч коллектив қабул қилган мажбуриятларини қандай бажаряпти?

Биз «Сурхон» совхозидамиз. Хўжалик директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Алибоев билан суҳбатлашмоқдамиз. Олий сифатли газламанинг йўли мана шу ердан — далалардан бошланади. Бу йилги баҳор Ўзбекистон пахтакорлари учун ноқулай келди. Об-ҳаво қийинчиликлари совхоз далаларини ҳам четлаб ўтмади. Лекин бугунги кунда чигит қайта экилган далаларни бошқа, иш қулай кўчган далалардан деярли ажратиб бўлмайди. Сурхонликлар ноқулай об-ҳаво шароитларида мўл ҳосил етиштириш, олий сифатли пахта бериш учун ғўзани парвариш қилишда интенсив методни қўлламоқдалар. Одатда шу паллада хўжаликда экинлар бир марта суғорилар ва икки марта культивация қилинарди. Бу йил қўпгина бригадаларда эса ҳозирнинг ўзидаёқ ғўзани учинчи марта суғоришга киришилди, механизаторлар эса қатор ораларини тўртинчи марта культивация қилишмоқда. И. Туранов ва М. Ороловлар раҳбарлик қилаётган бўлимларда ғўза яхши ривожланмоқда. Бу бўлимларда ҳар гектар ердан 40-42 центнердан ингичка толали пахта териб олиш мўлжалланмоқда.

— Совхозимиз коллективи,— дейди директор Д. Алибоев— камида етти минг тонна ингичка толали пахта бериш мажбуриятини олган. Мажбуриятни бажарибгина қолмай, балки қўшимча равишда юзлаб тонна маҳсулот олиш мақсадида барча зарур чоралар кўрилмоқда.

...Энди Жарқўрғон пахта тозалаш заводининг иши билан танишамиз. Бу корхона коллективи ҳам ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Ярим йиллик план барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди. Тўқимачилик корхоналарига, шу жумладан, Шахта комбинатига олий сифатли тола жўнатилган.

Смена мастери Т. Кодиров билан суҳбатлашяпмиз. Унинг коллективи ярим йиллик планни май ойининг бошидаёқ бажарган.

— Биз шахталиклар газламанинг кўпчилик турларини Сифат белгиси билан ишлаб чиқараётганликлари билан фахрланамиз. Бунда, — дейди мастер, — бизнинг ҳам хизматимиз бор.

Мана тўқимачилардан ҳам қувончли хабар олинди. Улар ўзларининг жарқўрғонликларга ёзган хатларида Шахта комбинати касаба союз комитетининг раиси Н. Чубаров маълум қилишича, корхона бу йил фахрли беш бурчак белгиси билан чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини янада кўпайтирган ва корхона коллективи аъло сифатли тола етказиб бераётганликлари учун Ўзбекистон пахтакорларига, пахта тозаловчиларига миннатдорчилик билдиради.

Уч коллективнинг амалий ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда. Бу ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб ривожланаверади.

В. НЕЙБУРГ,
(«Правда Востока» мухбири).
Ўзбекистон ССР, Термиз шаҳри.
(«Правда», 1979 йил 20 июль).

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

МУСОБАҚА ҚУДРАТИ

Сафимизда қолоқларга ўрин йўқ. Сувчи — ғўзани яшнатувчи. Қўшимча— 750 тонна пахта, 100 тонна ғўшт, 600 центнер сут, 700 тонна сабзавот етиштирилади.

Колхозимиз бундан беш-олти йил муқаддам райондаги қатордаги ўртамиёна хўжаликлар қаторида тилга олинарди. Хўжалик аҳли коммунистлар етакчилигида тараққиёт йўлига тез бўлиб турган илғатларни аниқлади ва уларни бартараф этишга бутун эътиборни қаратди. Биз ишни қолоқларни илғорлар сафига кўтаришдан бошладик. Ўз ишини эплай олмаётган ўрта звено раҳбарлари ишчан ва омилкор кадрлар билан алмаштирилди. Меҳнаткашлар ўртасида юксак меҳнат кўтаринкилиги вужудга келтирилди. Мутахассислар — механизаторлар, агрономлар, энтомологлар, сувчиларнинг обрў-эътибори кўтарилди.

Қўрилган ташкилий тадбирлар беш йилликнинг ўтган уч йилида яхши самаралар берди. Пахта ҳосилдорлиги 27 центнердан 43 центнерга кўтарилди. Ғўшт ва сут етиштириш 1,5—2 баравар кўпайди. Маҳсулот таннархи арзонлашди, сифати яхшиланди. Рентабеллик даражаси ўсди. Ана шу ютуқлар эвазига ўтган хўжалик йили якунларига кўра КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдик. Бу юксак мукофот хўжалигимиз деҳқонларини янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Бу йил мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилади. Планга қўшимча равишда 750 тонна пахта, 100 тонна ғўшт, 600 центнер сут, 700 тонна сабзавот етиштириш мажбуриятини қабул қилганмиз. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Раҳмонов бошлиқ бригада қолоқ участкага кўчди. Лекин уларнинг мажбурияти камаймади. Аксинча 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш ташаббуси билан чиқдилар. Об-ҳавонинг мураккаб келишига қарамай бригада далаларида ғўза бир текис, дуркун ўсяпти. Бу ерда вақтида озиқлантирилган, кетмон чопиғидан чиққан ғўзалар ёппасига гулга кириб, кўсаклаяпти. Ленин орденли деҳқон, республикада хизмат кўрсатган пахтакор К. Умурзоқов, олий маълумотли инженер Р. Халилов, агроном К. Ҳотамов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг пахтакорлари ҳам ҳар гектар майдондан 50—60 центнердан хирмон кўтариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ғўза ердан кўкрагини кўтариб, ривожланиш палласига кирганда қаттиқ ёмғир ёғиб, кўлхоб ҳосил бўлди. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти ишга яроқли ишчи кучларининг ҳаммасига мурожаат қилди. Қатқалоқ босган далаларга чўқур кетмон чопиғи ўтказилди. Культиваторларга юлдузчасимон мосламалар тиркалди. Узлуксиз ёмғир, дўл оқибатида мавжуд 805 гектар ердаги ғўзанинг 500 гектардан ортиғи ўсишдан анча орқада қолаётгани аниқланди. Биз бу майдонлардаги ғўзаларни тўйдириб озиқлантирдик. «Шарбат»га қондириб, чўқур культивация қилинди. Бегона ўтлардан тозаланди. Ҳозирги кунда барча майдонларда ғўзалар баравж ривожланмоқда. Мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўпланмоқда.

Кейинги йилларда хўжалигимизда қолоқ, кам ҳосилли бригадалар тугатилди. Ҳозир 9 та бригадирнинг ҳаммаси олий маълумотли, КПСС аъзоларидир. Ҳозирги вазифа — ғўзани суғориш, озиқлантириш, чўқур культивация ўтказишни бир дақиқа ҳам тўхтатмасликдир. Сувчи — ғўзани яшнатувчи. Унинг омилкорлиги, тадбиркорлиги билан ғўзалаги қолоқликка барҳам берилади. Биз шуни ҳисоба олиб сувчиларга асал, новвот, ғўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бермоқдамиз. Уларнинг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Носирбой Бозоров, Мирзавали Тошбоев, Йўлдошали Сотимов, Отақўзи Ёқубов каби уста сувчиларнинг иш тажрибаси оммалаштириб борилмоқда. Улар оз сув билан кўп майдондаги ғўзани обиҳаётга қондирмоқдалар. Суғоришнинг Чуст усули бизнинг хўжалигимизда илдиз отиб, ҳосилдорлигимизни ошириш ва ишлаб чиқаришни тезлаштиради.

Яна бир тажрибамиз шуки, экинларни озиқлантириш зоналаштрилди. Бу тадбир давлатдан ўғит кутиб ўтирмасдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга кенг йўл очиб бермоқда, тупроқ структурасини яхшиламоқда. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириб, Сотимбой Йўллошев, Ғаффоржон Раҳмонов, Шоазиз Эргашев каби мутахассисларимиз ерларнинг структурасини яхшилаш, ҳосилдорликни кўтариш учун астойдил қурашмоқдалар. Бугунги кунда барча культиваторларга яшиклар ўрнатилган. Ҳар гектар ерга (бир ишлов ҳисобига) 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит солиб кетилаётир. Культивациянинг чўқурлиги 15—20 сантиметр қилиб белгиланяпти. Астасекин унга тупроқни чўқурроқ юмшатишдаги мосламалар ўрнатилиб, 25—30 сантиметр кенгайтирилаётир. Бу нарса ғўзанинг чўқур илдиз отишига ёрдам бермоқда.

Колхозимизда 35 та чопиқ трактори икки сменада ишлаб турибди. Сувчилар сони 150 кишидан 200 кишига кўпайтирилди. Биз ҳар гектар ерда 130—140 минг туп ғўза ўсишини таъминлаяпмиз. Механизатор билан сувчи — ҳосил тақдирини ҳал қилади. Уларнинг ишини бир-бирига уйғунлаштириб бориш кўзланган мақсадга эришувимизни таъминлайди. Йўлчибой Тўйчиев, Акбар Ҳожимуродов, Турғунбой Олимов каби ишчан механизаторлар экинларга ишлов беришда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Бундан ташқари, Баҳромали Режаматов бошлиқ маҳаллий ўғит жамғарувчи зарбдор бригада ишлаб турибди. Улар составида 10 га яқин транспорт трактори, бир неча юклагич механизмлари бор. «Шарбат» хоналарни тўлдириш, «СУЗ» аппаратлари, ўғитлагич яшикларини майдаланган гўнг билан таъминлаб бориш — зарбдор бригада зиммасига юклатилган.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизга бу йил ҳар қачонгидан ҳам кўп — 3700 тонна пахта, кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга сўз берганмиз. Бу масъулиятли вазифани уддалашимизда республика партия ва ҳукуматининг барча қишлоқ меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожаати бизга асосий қўлланма бўлмоқда.

Хўжалигимизда ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёзган. Мусобақа илғорларини рағбатлантириш учун 10 минг сўм маблағ ажратилди. Бригадалар, звенолар, механизаторлар, сувчилар ўртасидаги иш якунлари ҳар ўн кунда қараб чиқилмоқда. Ғолибларга кўчма Қизил байроқ, вимпеллар берилянти.

Дала шийпонлари колхозчиларнинг иккинчи уйи бўлиб қолган. Ҳозирги вақтда 70 дан ортиқ агитатор, 40 га яқин сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар меҳнаткашлар ўртасида идеологик, сиёсий-ташкилий ишларни юқори савияда олиб боришмоқда.

Колхозимизда чорвачилик ҳам етакчи тармоқ ҳисобланади. Биз аҳоли эҳтиёжларини ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, бу йил планга қўшимча равишда 100 тонна ғўшт, 600 центнер сут ишлаб чиқаришга аҳд қилганмиз. Бунинг учун энг аввало унинг озуқа базасини мустаҳкамлаяпмиз. Беданаларнинг иккинчи ўрими ғалланди. Ўртача 100 центнердан ошириб пичан ғарамладик. Ем-хашак жамғариш сурхондарёликлар ташаббуси асосида қизғин олиб борилмоқда. Сабзавот ва полиз экинларидан ҳам ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йили учун олган социалистик мажбуриятларимиз салмоқли. Хўжалигимиз деҳқонлари барча соҳада омилкорлик билан иш юритиб, қолоқликнинг барча кўринишларига барҳам берадилар. Ўтган йилдаги ютуқларни янада мустаҳкамлайдилар.

А. ЖУРАЕВ,
Наманган область, Чуст районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.
Ғ. РАҲМОНОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Риштон районидаги Навоий номли совхозда донгдор пахтакорлар кўп. 4-бўлим бошқарувчиси Кароматхон Бойболаева ва шу бўлимнинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ортиқбой Бойжигитов шулар жумласидандир. Бўлим пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Пахта далаларида 48 та сувчи, 8 та чопиқ трактори юксак унумларда ишлатилаётир. Ишда сифатга алоҳида эътибор берилянти. Ҳар бир туп ғўза қалб қўри билан, меҳр билан ардоқланиб парвариш қилинмоқда. Суратда: бригада бошлиғи О. Бойжигитов.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг 1979 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисида

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

1979 йилнинг биринчи ярмида мамлакат экономикасини ва халқ фаровонлигини янада оширишга эришилди.

Меҳнаткашлар коллективлари социалистик мусобақа давомида қўшимча резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш тадбирларини амалга ошириб бориб, мураккаб об-ҳаво шароитлари юз берганлиги сабабли шу йилнинг биринчи кварталида планнинг бажарилмай қолган баъзи бир қисмининг кўпгина кўрсаткичларини тўлдирдилар ва иккинчи кварталда ишлаб чиқариш суръатларини оширишни таъминладилар.

I. САНОАТ

Маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик плани бажарилди. **Ишлаб чиқариш ҳажми** ўтган йилнинг шу даврилагига нисбатан 3,5 процент, шу жумладан, иккинчи кварталда 4 процент кўпайди. Саноат айрим тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1979 йилнинг биринчи ярмида 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми процент ҳисобида
Электроэнергетика	104
Ёқилғи саноати	102
Қора ва рангли металлургия	100,7
Химия ва нефть химияси саноати	103
Машинасозлик ва металл ишлаш	103
Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	97
Бинокорлик материаллари саноати	98
Енгил саноат	102
Озиқ-овқат саноати	100,8
Медаиий-машиий моллар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш	106

Умуман ярим йил ичида **меҳнат унумдорлиги** 2,5 процент, иккинчи кварталда эса 3 процент ўсди. Йилнинг биринчи ярмида саноат ишлаб чиқариши ўсишининг қариб тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Фойда олиш кўпайди.

Министрликлар ва иттифоқдош республикалар маҳсулотни реализация қилиш планини қандай бажарганликлари, ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини қандай суръатлар билан ўстирганликларини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин.

	маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик плани ишининг бажарилиш процентида	1979 йилнинг 1-ярмида 1978 йилнинг 1-ярмидагига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Умумиттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идоралари			
Энергетика ва электрлаштириш	100,8	104	102
Нефть саноати	99,5	103	102
Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	98	102	101
Газ саноати	104	112	109
Кўмир саноати	100,7	101	98
Қора металлургия	99,1	100,4	100,6
Рангли металлургия	100,3	100,3	99,3
Химия саноати	96	101	99,2
Энергетика машинасозлиги	101	104	103
Оғир машинасозлик ва транспорт машинасозлиги	100,6	103	103
Электротехника саноати	101	104	103
Химия ва нефть машинасозлиги	101	106	105

(Давоми иккинчи бетда).

ПАРТИЯНИНГ ШОНЛИ ФАРЗАНДИГА БАҒИШЛАНДИ

ОҚҚЎРҒОН, 20 июль. (ЎзТАГ). Бугун Султон Сегизбоев номли илғор совхознинг маданият уйида халқнинг шонли фарзанди, таниқли партия ва давлат арбоби туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Султон Сегизбоев қисқа, лекин ёрқин ҳаёт кечирди. Камбағал деҳқон фарзанди бўлган С. Сегизбоев 1918 йилнинг кузида Ўрта Осиёда революцион воқеалар қизғин давом этаётган бир пайтда Коммунистик партия сафига кирди ва умрининг охиригача партиянинг бунюк ишига садоқат билан хизмат қилди. У партия ва совет органларида масъулиятли лавозимларда ишлади, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги мустаҳкам пойдеворини яратганлардан бири бўлди.

Йиғилишда Узбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, республика Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов Султон Сегизбоевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ТУҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТУҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси 1979 йил 24 июль куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари 23 июлда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида соат 10 дан 20 гача ва 24 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида эрталаб соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 1979 йил 24 июлда эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

ОРБИТАДА ТАДҚИҚОТЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 20 июль. (ТАСС). 1979 йил 28 июнь куни Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Прогресс-7» автомат юк кемасининг парвози тугади.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин «Салют-6» — «Союз-34» орбитал комплекси ичида учишнинг планлаштирилган программасини давом эттирмоқдалар.

Космонавтларнинг докладларига ва телеметрик ўлчовлар берган маълумотларга кўра, орбитал комплекс ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Узбекистон пойтахти жамоатчилиги савдо ходимлари кунини нишонлади. 20 июль куни Тошкентда Кооператорлар уйида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу байрамга бағишланди. Узбекистон ССР савдо министри М. Х. Ҳасанов доклад қилди.

Йиғилишда Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари, пахта етиштириш планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган катта муваффақиятлар учун Фарғона область, Киров районидаги «Москва» колхозининг раиси ўртоқ Мамеюнус Мадаминовга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берди.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	99	108	106
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари	101	109	108
Автомобиль саноати	100,9	109	107
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	100,2	104	103
Чорвачилик учун ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик	102	107	104
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	102	105	104
Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзғор асбоблари	100,5	104	104
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	96	97	98
Целлюлоза-қоғоз саноати	92	94	93
Биноқорлик материаллари саноати	97	99,1	99
Енгил саноат	100,7	102	102
Озиқ-овқат саноати	102	102	102
Гўшт ва сут саноати	101	100,3	99,1
Балиқ хўжалиги	100,6	98	97
Тайёрлов	102	103	102
Меднцина саноати	101	109	107
Микробиология саноати бош бошқармаси	101	105	102
Иттифоқдош республикалар (иттифоқ қарамоғидаги саноат ҳам шунга қўшилган)			
РСФСР	100,5	102,8	102,2
Украина ССР	100,9	103,2	101,9
Белоруссия ССР	101	107,3	104,3
Ўзбекистон ССР	102	102,7	100,0
Қозоғистон ССР	100,5	103,3	101,3
Грузия ССР	101	106,7	105,3
Озарбайжон ССР	102	108,7	105,4
Литва ССР	101	102,1	100,8
Молдавия ССР	101	103,6	101,4
Латвия ССР	101	99,9	99,9
Қирғизистон ССР	101	105,1	103,5
Тожикистон ССР	102	109,1	106,1
Арманистон ССР	102	107,5	102,9
Туркманистон ССР	103	96,9	93,6
Эстония ССР	102	102,4	101,9

Маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди.

	1979 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилди	1979 йилнинг биринчи ярмида 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
Электроэнергия — миллиард киловатт-соат	621	104
Нефть (газ конденсати билан бирга) — миллион тонна	287	103
Газ — миллиард кубометр	201	109
Кўмир — миллион тонна	366	101
Пўлат — миллион тонна	74,8	99,1
Қора металлар прокати (тайёр ҳолда) — миллион тонна	51,9	99
Пўлат қувурлар — миллион тонна	8,9	103
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — миллион тонна	47,4	94
Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари (шартли бирликларда)— минг тонна	245	97
Олтингугурт кислотаси — миллион тонна	11,1	99,8
Синтетик смола ва пластмассалар — миллион тонна	1,7	98
Кимёвий тола ва иплар—минг тонна	563	100,5
Автопокришкалар — миллион дона	30,0	102
Турбиналар — миллион киловатт	8,8	112
Турбиналарнинг генераторлари — миллион киловатт	9,0	98
Ўзгарувчан ток электродвигателлари — миллион киловатт	25,7	103
Металл қирқиш станоклари:		
минг дона	115	97
миллион сўмлик	921	107
Шу жумладан, рақамли программа усулида бошқариладиган станоклар — минг дона	3,8	106
Темирчилик — пресслаш машиналари:		
минг дона	28,0	100,3
миллион сўмлик	273	111
Приборлар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари— миллиард сўмлик	2,4	112
Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — миллиард сўмлик	1,8	116
Домна, пўлат қуйиш ва прокат асбоб-ускуналари — миллион сўмлик	148	105
Нефть аппаратлари — минг тонна	97,4	108
Кимёвий асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — миллион сўмлик	372	105
Енгил саноат учун ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари — миллион сўмлик	645	103
Магистрал тепловозлар — миллион от кучи ҳисобида	1,9	96
Магистрал электровозлар — миллион от кучи ҳисобида	1,7	100,9
Магистрал юк вагонлари — минг дона	33,2	96
Автомобиллар — минг дона	1082	101
Шу жумладан:		
Юк автомобиллари	388	103
Енгил автомобиллар	654	100
Тракторлар — минг дона	276	95
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллиард сўмлик	1,3	107
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар — миллиард сўмлик	1,0	106
Ғалла комбайнлари — минг дона	57,5	102
Пахта териш машиналари — минг дона	4,7	100
Экскаваторлар — минг дона	21,1	102
Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди) — миллион куб метр	149	91
Қоғоз — миллион тонна	2,6	96
Цемент — миллион тонна	59,9	94
Йиғма темир-бетон — миллион кубометр буюм	60	97
Ҳамма турдаги газламалар — миллион квадрат метр	5379	100,3
Шу жумладан:		
Ип газлама	3507	100,3
Жун газлама	397	100,5
Зигир толасидан тўқилган газлама	405	94
Шойи газлама	863	102
Тикилган буюмлар — миллиард сўмлик	11,0	104
Ички ва устки трикотаж — миллион дона	794	101
Чарм пойафзал — миллион жуфт	379	99,5
Гўшт (саноат кўламида тайёрланган) — миллион тонна	4,4	101
Колбаса маҳсулотлари — миллион тонна	1,5	100,2
Овқатбоп балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари — миллиард сўмлик	2,1	95
Мол ёғи — минг тонна	647	96
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб ҳисоблаганда — миллион тонна	12,7	100
Қуруқ сут ва қуруқ қаймоқ — минг тонна	174	98
Ёғли пишлоқ — минг тонна	360	102
Маргарин маҳсулоти — минг тонна	693	105
Кондитер маҳсулотлари — миллион тонна	2,0	102
Консервалар — миллиард шартли банка	4,7	103
Омухта ем — миллион тонна	31,4	105
Соатлар — миллион дона	32,0	102
Чинни-фаянс ва гулдор сопол идишлар — миллион дона	537	99
Сортли идишлар (шиша ва хрусталдан ясалган) — миллион сўмлик	435	105
Радиоприёмниклар ва радиолалар— миллион дона	4,2	95
Телевизорлар — миллион дона	3,6	100,8
Шу жумладан, рангли тасвир программаларини қабул қиладиган телевизорлар	0,9	129
Холодильниклар — миллион дона	3,0	100,8
Кир ювиш машиналари — миллион дона	1,8	98
Мотоцикллар ва мотороллерлар — минг дона	545	103
Мебель — миллиард сўмлик	2,7	103

Бир қанча рангли ва нодир **металлар**, **нефть** химияси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш кўпайди.

Газ қазиб чиқариш кўпгина машина ва ускуналарни, приборларни, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситаларини, кийим-кечак, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларни, маданий-маиший хизмат учун мўлжалланган моллар ва рўзғор буюмлари ҳамда бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқариш 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан анча камроқ бўлди. Шу билан бирга иккинчи кварталда ана шу маҳсулотларнинг кўпини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг иккинчи квартали даражасидан ошиб кетди.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар белгиланган ассортиментдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, жамғариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар.

Нефть қазиб чиқариш, қора металларнинг тайёр прокатини, минерал ўғитлар, ёғоч-тахта, цемент, газлама, гўшт, балиқ маҳсулоти, мол ёғи ишлаб чиқариш ярим йиллик плани бажарилмади.

Қора металлургия, ўрмон ва ёғочсозлик, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси, Химия, Автомобиль саноати, Оғир машинасозлик ва Транспорт машинасозлиги ҳамда бошқа баъзи министрликларнинг корхоналари ва ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилган шартномалар ва нарядларга мувофиқ истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни тўлиқ таъминламадилар.

Фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий қилиш ишлари давом эттирилди. Буюмларнинг 1200 дан кўпроқ янги турлари ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошлади. Конструкцияси эскириб қолган машиналар, аппаратлар, асбоблар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. 2 миллион ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинди. Фан ва техникани ривожлантириш планнинг айрим топшириқлари тўла бажарилмай қолди.

Саноатдаги бир қанча тармоқлар ишининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати яхшиланди.

Сифати олий категорияли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 процент ортди.

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалик ходимлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар, **кўкламги экиш** планини бажардилар. Дастлабки маълумотларга қараганда, бутун мамлакатда 1979 йилда ҳосил олинадиган кузги ва ламмикор экин майдонлари 217,1 миллион гектар ерни ташкил этди. Шолипоялар, арпа, пахта, қунғабоқар, соя, сабзавот экилган майдонлар ўтган йилдагига нисбатан кенгайди.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерларда экин майдони кўпайтирилди.

Пичан ўриш ва озуқа тайёрлаш ишлари ҳамма жойда олиб борилмоқда. Мамлакатнинг кўпгина районларида дон экинларини ўриб-йиғиб олиш авж олдириб юборилди.

Колхозлар, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда маҳсулдор чорва ва паррандалар сони қуйидагича бўлди (миллион бош ҳисобида):

	1 июлда	
	1978 йил	1979 йил
Қорамол	91,6	92,9
Шу жумладан:		
Сигирлар	29,3	29,7
Чўчқалар	56,4	57,0
Қўй ва эчкилар	145,5	146,3
Паррандалар	644,6	685,2

Колхозлар, совхозларда ва хўжаликлараро корхоналарда шу йилнинг биринчи ярмида гўшт етиштириш ўтган йилнинг биринчи ярми даражасида бўлди, тухум етиштириш 4 процент кўпайди, сут етиштириш эса анча камайди.

Хўжаликларнинг ҳамма категорияларида **чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш** тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилардан иборат:

	Биринчи ярим йилда	
	1978 йил	1979 йил
Чорва мол ва парранда (тирик вазнда) — миллион тонна	7,6	7,8
Сут — миллион тонна	30,5	29,6
Тухум — миллиард дона	20,9	21,8

Йилнинг биринчи ярмида тайёрлов пунктлари олган чорва мол ва паррандалар, шунингдек сут планда кўзда тутилганидан анча кам бўлди; тухум харид қилиш ҳажми ошириб бажарилди.

Ишларнинг бутун комплекси бўйича, **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга** 14 миллиард сўмдан зиёд **капитал маблағ** сарфланди. Мелиорация қурилиши ва мелиорация қилинган ерларни ўзлаштиришга 3,2 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 3 процент кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ хўжалигига 131 мингта юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиллар, 171 мингта трактор, 55 мингта ғалла ўриш комбайни, 3,8 мингта маккажўхори ўриш комбайни, 4,9 мингта картошка қазиб оладиган комбайн, 5,1 мингта лавлаги қазиб оладиган комбайн ва 23 мингта силос ўрадиган комбайн, витамини ўт талқонини тайёрловчи 3 мингта агрегат, 10 мингта ёмғирлатиш машина ва ускуналари ҳамда бошқа кўпгина машина ва механизмлар етказиб берилди. Қишлоқ хўжалигига техника етказиб бериш плани бажарилди. Қишлоқ хўжалиги 38,2 миллион тонна минерал ўғит ва 1,2 миллион тонна химиявий-озуқавий қўшимчалар олди. Ўғит етказиб бериш ўтган йилнинг биринчи ярми даражасидан бирмунча кам бўлди.

III. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ҳамма турдаги транспортнинг юк оборота 2,9 триллион тонна-километрга етди ва 1978 йилнинг биринчи ярми даражасида бўлди дейиш мумкин; иккинчи кварталда ўтган йилнинг шу кварталига нисбатан бир процент кўпайди. Пассажир обороти йилнинг биринчи ярмида 400 миллиард пассажир-километрга етди ва 3 процент кўпайди.

Транспорт турлари ярим йиллик планни қандай бажарганлиги қуйидаги маълумотлардан кўриниб турибди:

	1979 йилнинг биринчи ярмида бажарилгани	Ярим йиллик планнинг бажарилиши процентларида	1979 йилнинг 1-ярмида 1978 йилнинг 1-ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
Юк обороти — миллиард тонна-километр	1650	94	96
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти	59,9	98	105
Нефтепровод транспорти	557	100,9	112
Юк ташиш — миллион тонна			
Темир йўл транспорти	1816	95	97
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти	3015	99	102
Нефтепровод транспорти	297	99,3	103

Денгиз транспорти чет элларда ва ички денгизларда қатнайдиган кемаларда юк ташиш планини бажарди. Ҳамма турдаги кемаларда юк обороти 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпайди. Контейнерларда юк ташиш 3 процент ортди. Денгиз портларида юк ортиш-тушириш ишлари плани 104 процент бажарилди; белгиланган муддатларда ва муддатидан илгари юк ортилган ва бўшатиб олинган денгиз кемаларининг салмоғи ошди. Ленинград транспорт узели турдош корхоналарининг тажрибасига мувофиқ 22 денгиз порти ўзаро боғланган узлуксиз план-графиклар асосида ишлади.

Ҳаво транспорти пассажир обороти планини, самолётларда ташиш умумий ҳажмини ва халқ хўжалиги тармоқларига авиация хизмати кўрсатиш ишлари планини ошириб бажарди. Ярим йил ичида 46 миллион пассажир ташилди. Қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги 57 миллион гектар майдонда авиация-химиявий ишлар амалга оширилди.

Умумий фойдаланишдаги автобуслар пассажирлар ташиш планини 100,9 процент, пассажир обороти планини 100,3 процент бажарди; ҳақ тўланадиган енгил таксомоторларнинг қатнов плани 105 процент бажарилди. Пассажирлар ташиш 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 процент, пассажирлар обороти 4 процент, енгил таксомоторларнинг ҳақ тўланадиган қатнови 14 процент ортди.

Шу билан бирга транспорт, хусусан темир йўл транспорти халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ таъминламади.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича ярим йиллик планни бажарди; ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан алоқа маҳсулотларининг ҳажми 5,5 процент кўпайди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Йилнинг биринчи ярмида давлат капитал маблағлари ҳисобидан қиймати 27 миллиард сўмликдан зиёдроқ ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 процент кўп **асосий фондлар** ишга туширилди.

Янги қурилишлар, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан электр энергетикада, нефть, газ, кўмир, темир руда қазиб олиш, нефтни дастлабки ишлаш, чўян, пўлат, минерал ўғитлар, химиявий тола, резина-техникавий буюмлар, биноқорлик материаллари ва конструкциялар, машинасозлик, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатида янги қувватлар ишга туширилди. Янги магистрал газ қувурлари ётқизилди.

Ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватлари орасида Курск атом электростанциясида ҳар бири 500 минг киловаттли икки турбина ва Чернобиль атом электр станциясида битта шундай турбина, 1,5 миллион тонна кўмир қазиб чиқариладиган «Ғарбий—Донбасс» шахтасининг биринчи навбати ва Иркутск областида кўмир саралаш фабрикаси, «Нижнекамснефтехим» ишлаб чиқариш бирлашмасида ва нефтни қайта ишлайдиган Мозир заводида, Магнитогорск металлургия комбинатида ва Ўзбекистон металлургия заводида янги қувватлар ишга туширилди, Новгород, Кемерово, Гродно «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида ва Череповец азотли ўғит заводида синтетик аммиак ишлаб чиқарувчи йирик комплекслар, Черкасси ва Ровно «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, Сумы «Химпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Воскресенск «Минудобрения» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Самарқанддаги суперфосфат ва Вентспилсск порти олдидаги заводларда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик комплекслар фойдаланишга топширилди.

600 километрдан зиёд узунликдаги Грязовец—Ленинград газ қувури ишга туширилди.

Байкал—Амур темир йўл қурилиши муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Ургал станциясидан Амур бўйидаги Комсомольск шаҳригача асосий йўлни қуриш муддатидан илгари тугалланди. Бу эса ана шу участкада поездларнинг ҳар икки томонга қатнаб туришини белгиланган муддатдан бир йил илгари бошлаб юбориш имконини берди.

Қишлоқ хўжалигида чорвачилик бинолари, механизациялаштирилган фермалар ва 1,6 миллион бош чорвани сақлашга мўлжалланган комплекслар ва 4,3 миллион парранда боқиладиган комплекслар, тухум қиладиган 1,5 миллион товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикалари ва йилига 11,4 миллион бош парранда гўшти тайёрлаб берадиган паррандачилик фабрикалари, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар ва оҳакли материаллардан бир йўла 400 минг тоннага яқинини сақлашга мўлжалланган механизациялаштирилган омборлар ишга туширилди.

Янги элеватор, дон омборлари, омухта ем тайёрловчи корхоналар ишга туширилди.

240 минг гектар суғориладиган ва 270 минг гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилди. 2,3 миллион гектар майдондаги яйловлар сув билан таъминланди.

Халқ хўжалигига давлат йўли билан 49 миллиард сўмдан зиёд **капитал маблағ** сарфланди. Бу — 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан бирмунча кўп.

Ўтган ярим йил ичида пудрат ишлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ортди, меҳнат унумдорлиги ўсди, қурилишнинг прогрессив методларини жорий қилиш давом эттирилди, самарали конструкциялар ва материаллардан тобора кўпроқ фойдаланилди.

Шу билан бирга қурилишда катта камчиликлар ҳам бор. Асосий фондларни ва бир қанча ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш плани бажарилмай қолди; кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотлари пудрат ишлари ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш планининг бажарилишини таъминламадилар.

V. ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Халқ хўжалигидаги **ишчи ва хизматчиларнинг сони** ярим йил мобайнида ўрта ҳисобда 109,2 миллион кишига етди ва ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2 миллион нафар, ёки 1,8 процент кўпайди.

Халқ хўжалигида **ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача иш ҳақи** 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 2,5 процент ортди ва 163 сўмни ташкил этди, ижтимоий истеъмол фондидан тўланадиган пулларни ва берилaдиган имтиёзларни қўшиб ҳисоблаганда иш ҳақи 221 сўм бўлди.

Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 5 процент кўпайди.

КПСС XXV съездининг қарорларига мувофиқ 1976 йил декабрь ойида халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар ставкаларини ва окладларини оширишга киришилган эди. Бу иш давом эттирилди. Ставка ва окладларни ошириш чекка Шимол районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда, Европа шимолида, Узоқ Шарқ, Сибирь, Урал, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Волга бўйи районларида ва Волга-Вяткада, Москва ва Ленинград шаҳарларида, Москва ва Ленинград областларида ўтказиб бўлинди.

Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳоли олган **тўловлар ва имтиёзлар** 53 миллиард сўмлик бўлди ёки ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 5,6 процент кўпайди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий-маиший шароитлари янада яхшиланди. Кексалар ва инвалидлар учун очилган уй-интернатларга қилинадиган харажатлар нормалари оширилди.

Аҳолининг омонат кассаларига қўйилган пули ярим йил ичида 5,6 миллиард сўм кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар оборота** 121 миллиард сўмни ташкил этди ва 1978 йилнинг биринчи ярмидагина нисбатан 4,4 процент ортди. Чакана товар оборотининг ярим йиллик плани бажарилди.

Давлат ва кооператив савдосида **айрим молларни сотиш ҳажмини** қуйидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин:

	1979 йилнинг 1-ярмида 1978 йилнинг 1-ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
Нон маҳсулотлари	102
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	102
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	101
Мол ёғи	101
Ўсимлик мойи	104
Маргарин	105
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари	100
Пишлоқ	104
Тухум	104
Қанд	103
Кондитер маҳсулотлари	109
Чой	106
Картошка	101
Сабзавот, мева ва цитрус мевалар	109
Кийим-кечак, ички кийим ва газлама	104
Трикотаж буюмлар	102
Пайпоқлар	103
Чарм пойафзал	104
Чинни-фаянс, гулдор сопол идиш ва шишадан ясалган идиш	106
Совун ва синтетик ювиш воситалари	109
Мебель	104
Холодильниклар	91
Шу жумладан совутиш камерасининг ҳажми 200 литрдан ошиқ бўлган холодильниклар	106
Кир ювиш машиналари	99
Электропылесослар	100
Соатлар	104
Фотоаппаратлар	111
Мотоцикл ва мотороллерлар	102
Велосипед ва мопедлар	103
Радиоприёмник ва радиолалар	104
Телевизорлар	92
Шу жумладан рангли тасвирдаги программаларни қабул қиладиган телевизорлар	135
Енгил автомобиллар	100

Товар обороти ўсганига қарамай, аҳолининг баъзи молларга бўлган ва ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари тўла қондирилмайпти.

Совет Иттифоқининг **ташқи савдо обороти** 37,2 миллиард сўмни ташкил этди ва 1978 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 8 процент кўпайди.

Аҳолига кўрсатилган **маиший хизмат** ярим йиллик плани бажарилди; бу хизматларнинг ҳажми 7,6 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 9,5 процент ортди.

Давлат капитал маблағлари ва уй-жой қуриш кооперацияси маблағлари ҳисобидан умумий саҳни салкам 26 миллион квадрат метрли **530 минг янги шинам квартиралар фойдаланиш учун топширилди.** Бундан ташқари, колхозлар ва аҳоли ўз маблағлари ҳисобига ҳамда давлат кредити ёрдами билан кўп миқдорда квартиралар ва якка уйлар қуриб олишди. 109 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 90 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 8 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 12 минг кишига хизмат кўрсатадиган амбулатория-поликлиника муассасалари ва бошқа кўпгина маданий-маиший объектлар қурилди. Уй-жой биноларини ва маданий-маиший объектларни ишга туширишнинг ярим йиллик плани бажарилмади.

1980 йилда Москвада олимпиада ўйинлари ўтказиладиган объектлар кенг кўламда қурилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Олимпиадани ўтказиш учун бир қанча спорт иншоотлари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди.

Шаҳар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ярим йил ичида 1,1 миллион квартира **газлаштирилди.**

Халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантириш давом эттирилди. 98 миллиондан зиёд кишi таълимнинг хилма-хил турларига жалб этилди, булардан 44,7 миллион киши умумий таълим мактабларида, 1,9 миллион киши ўрта ҳунар-техника билим юртларида, 4,7 миллион киши ўрта махсус ўқув юртларида, 5,1 миллион киши олий ўқув юртларида ўқиди. Бу йил йигит ва қизлардан 5,3 миллион киши ўрта маълумот олди.

Халқ хўжалигига 2 миллион 37 минг мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 783 минг киши ва ўрта махсус маълумотли 1 миллион 254 минг киши юборилди.

Мамлакатда 120 мингдан зиёд мактабгача доимий тарбия муассасалари ишлаб турибди. Буларда 13 миллиондан зиёд бола тарбияланмоқда. Мактабларда ва куни узайтирилган группаларда 9,3 миллион ўқувчи бор эди. 38 миллиондан зиёд бола пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройларида ва уйларида, ёш техниклар, ёш натуралистлар станцияларида ва мактабдан ташқари бошқа муассасаларда шуғулланмоқда.

Аҳолига **медицина хизмати кўрсатиш ва аҳолининг уюштирилган ҳолда дам олиши кенгайтирилди.** Касалхоналарда, санаторийлар, пансионатлар дам олиш уйлари ва базаларида, туристик базаларда ўринлар сони кўпайтирилди.

1979 йил 1 июлида Совет Иттифоқи аҳолисининг сони 263,4 миллион кишига етди.

СССР Марказий статистика бошқармаси

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

МАШИНАБОП ПОМИДОРЛАР

ВОЛГОГРАД. Помидорнинг янги навларини экишдан бошлаб то ҳосилни жўнатишгача бўлган ҳамма ишларни тўлатўкис машиналар бажаради. Қишлоқ хўжалик фанлари доктори Н. И. Чулков билан унинг ҳамкасблари ишининг асосий мақсади ана шундан иборат. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти тажриба станциясининг олимлари ана шу навларнинг дастлабки қисмини «Лебяжинский» деб атадилар. Бу нав ўзининг мазали бўлиши, серҳосиллиги билан ажралиб туради ва энг муҳими — у саноат технологияси асосида етиштирилади.

ЧОРВАЧИЛИК УЧУН

ПОДОЛЬСК (Москва области). Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари ёш молларга ичириш учун ўтдан сут тайёрлаш рецептини ишлаб чиқдилар. Қаймоғи олинмаган сут ўрнини босадиган ана шу озуқанинг асосини ёғсиз сут ва ўт шарбати ташкил этади. Янги омухта ем ниҳоятда тўйимли.

ЙИЛНИНГ ҲАММА ФАСЛИДА

МИНСК. «Любань» совхозида мавсумлар ўртасида узилиш бўлмайди. Бу хўжаликда ишлаб чиқариш жараёни йилнинг ҳамма фаслида давом этади. Асосий тармоқлар — деҳқончилик ва чорвачиликка эътибор кучайтирилиб, совхозда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилди, маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналар очилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. Ф. Миронович бу хўжаликка 35 йилдан буён бошчилик қилмоқда. «Любань» совхозида маҳсулотни қайта ишлайдиган ўн иккита корхона бор. Бу ерда резавор мева шарбатлари, мураббо, компот, кўк нўхот, сиркаланган бодринг, помидор, лавлаги, қўзиқорин консервалари — бир йилда бир ярим миллион шартли банкадан кўпроқ консерва тайёрланади. Бундан ташқари, республикада ягона бўлган қимиз фермаси ишлаб турибди.

ОТА ИЗИДАН

ИМИШЛИ (Озарбайжон ССР). Жданов номли колхоз правленнесининг қарорига мувофиқ 18 ёшли М. Астанов бобокалони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Агамалиев бригадасига аъзо қилиб олинди. М. Астанов оила сулолаларининг кўпгина аъзолари сингари чўпон бўлишга қарор қилди. 75 ёшга кирган А. Агамалиев катта оиланинг бошлиғи — ана шу оиланинг 200 аъзоси орасида кўпгина касб эгаллари бор. Бироқ чорвадорлик касби булар орасида энг асосий касбдир. Меҳнат ветеранининг тақдири колхоз қурилишининг жонли тарихидир. У қишлоқ коммунасига биринчилар қаторида аъзо бўлиб кирди, меҳнатда кўпгина ютуқларга эришди. Ҳозирги вақтда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бошлиқ бригада ҳар юз совлиқдан 150 тадан— нормада белгиланганидан қариб икки баравар кўп қўзи олди.

ҒАЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

СТАВРОПОЛЬ. Ставрополь ўлкасининг ғаллакорлари бошоқли экиналари оммавий янчишни тугалладилар. Машинамеханизмлардан фойдаланишнинг комплекс усули яна ўлка механизаторлари учун муҳим кўмакдош бўлди. Ғалла ўрмийиғим даштрайонларидан тоғли районларнинг хўжаликларига ўтди. Ҳамма жойда ғалла янчилгандан кейин бўшаб қолган массивлар келгуси йил ҳосили учун ҳайдалмоқда.

(ТАСС).

Мутахассислар тавсия қилади

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР ВАЗИФАЛАРИ

Пахтачилик тарихида ҳеч қачон об-ҳаво шароити бу йилгидек қийин келмаган эди. Бутун баҳор фаслида ва ҳатто июнь ойининг ўрталаригача давом этган ёғингарчилик, экинларнинг дўл уриши чигитни ундириб олишда катта қийинчилик туғдирди, ғўза ниҳолларига жиддий зарар етказди. Катта майдонларга қайта-қайта чигит экишга тўғри келди. Бунинг оқибатида 1 июлга келиб республикамизда ғўзанинг ривожланиши 10—15 кун, кеч экилган ва қайта экилган участкаларда ундан ҳам кўпроқ кечикиб кетди.

Ҳозир аҳвол яхшиланиб бормоқда. Ўсимликларнинг зарур қалинликда бўлиши таъминланди. Республиканинг кўпгина областлари ва районларида ҳар гектар ердаги ғўза туплари сони 1977—1978 йилларгагача баравардир. Ҳамма жойда ғўза гуллаб, кўсаклай бошлади. Шунга қарамай ғўза ниҳоллари ўсишидаги кечикиш ҳали тўла бартараф қилинмаган.

Республика пахтакорларининг, барча қишлоқ хўжалик ходимларининг асосий вазифаси экинларни намунали парвариш қилиб, ҳар бир пайкалда ғўзанинг тез ривожланишига эришишдан иборат.

Ҳар туп ғўзада ҳосил тўпланадиган энг масъулиятли давр бошланди. Шу сабабли агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш, экинни сифатли парваришлаш, илғорлар тажрибасини кенг қўлланиш ҳозир катта аҳамиятга эгадир. Аввало гап ғўзани озиқлантириш тўғрисида бормоқда. Ғўза гуллаётган даврда минерал ва органик ўғитларни тўғри қўллана билиш қосилдорликни гектар бошига 3 центнергача оширади. Нормал ривожланган ғўзаларни азот билан озиқлантиришни экин гулга киргандан сўнг 20—25 кун ичида тугаллаш мақбуллиги тадқиқотлар натижасида ва амалий ишда исботланган. Агар ўсимлик ялпи гуллаш даврида ўсишдан орқада қолса, барглари оч яшил тусда бўлса, уни қўшимча равишда азот билан озиқлантирмоқ керак. Азот билан сўнгги озиқлантиришда гектарига кўпи билан 50—70 килограммдан ўғит солинади. Бу даврда экинга ортиқча азот бериш ғўзанинг ғовлаб кетишига, ҳосил камайиб, сифати пасайишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда ғўзани азотли ўғитлар билан озиқлантиришни республиканинг жанубий зонасидан ташқари ҳамма жойда тугалламоқ зарур. Республикамизнинг жанубий зонасида эса экинни азотли ўғитлар билан озиқлантиришни 25 июлгача давом эттирса бўлади. Тупроғи кумлоқ ва тошлоқ бўлган ерларда ғўзани азотли ўғитлар билан озиқлантиришни оз-оз норма билан 1 августга қадар давом эттириш мумкин.

Бу йилги шароитда органик ўғитлардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ғўза гулга кириб, кўсак туга бошлаган даврда органик ўғит солиш ғўзанинг озуқа режимини яхшилабгина қолмай, шу билан бирга ҳавонинг ғўзага яқин бўлган қисмида карбон газини кўпайтиради, бунинг натижасида фотосинтез тезлашиб, ўсимликларда модда алмашуви яхшиланади.

Ғўза кўсаклайдиган даврда қатор ораларига ғўнг солинса, ҳосилдорликнинг гектар бошига 2—3 центнер ортиши, пахтанинг етилиши ва сифати яхшиланиши СоюзНИХИ тажрибаларида аниқланган. Шунинг учун ғўзани органик ўғитлар билан озиқлантиришни августнинг охирига қадар давом эттирмоқ керак.

Июль ва август ойларида экинни вақтида суғориш мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ғўзанинг гуллаш ва кўсаклаш даври ўртача икки ой (июль ва август) давом этади ва бу даврда ғўза кўпроқ сув талаб бўлади. Бу даврда ўсимликлар яхши ривожланиб, барглари катталашади, илдизи эса бир метр чуқурликкача етиб боради. Шу сабабли тупроқнинг ғўза илдизи етиб борган қисмигача намланадиган қилиб суғормоқ керак. Бунинг учун суғоришнинг қуйидаги муддатлари ва нормаси тавсия этилади:

— сизот сувлар чуқур бўлган

ИЮЛЬ ВА АВГУСТДА ҒЎЗАНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШ ҚИЛМОҚ КЕРАК

●

соз тупроқли ерларда бу даврда ғўза камида 4 марта, айрим ҳолларда эса 5 марта, гектарига 1000—1200 кубометрдан сув сарфлаб суғорилади;

— қумлоқ ва тошлоқ ерларда экин 5—6 марта суғорилади;

— сизот сувлар бир метргача чуқурликда жойлашган оғир тупроқли ерларда 2 марта, сизот сувлар 2 метргача чуқурликда жойлашган бўлса 3 марта, тупроғида қум ва шағал қатлами бўлган участкаларда 4 марта суғорилади. Бундай ерларда суғориш нормаси ҳар гектарига 900 кубометрдан ошмаслиги керак.

Ғўза ялпи гуллай бошлаган даврда сизот сувлар чуқур жойлашган ерларда экинга ҳар 14—15 кунда, ялпи кўсаклай бошлаган даврда эса ҳар 10—12 кунда сув қўйилади. Тупроқ қатлами ости тошлоқ бўлган пайкалларда, айниқса, ғўза кўсаклай бошлаган даврда 8—10 кундан кечиктирмай экинни суғориб туриш керак. Сизот сувлар юза жойлашган оғир тупроқли ерларда экинни ҳар 15—18 кунда бир марта суғориб турилади.

Ғўзани суғоришни группа усулида, кечаю кундуз давомида ўтказиш, тупроқнинг ортиқча намланишига, ғўзанинг сув босиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Мўл ҳосил усталари ғўзанинг асосий поясидаги барглар оралиғига қараб суғориш муддатини белгилайдилар. Улар барглар орасидаги масофа 4—5 сантиметр бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу оралиқнинг камайиши ғўза чанқатиб қўйилганидан, узайиши эса ортиқча сув берилганидан далолатдир. Ғўза гуллай бошлаганда дастлабки гул ўсимликнинг ўсиш нуқтасидан пастдаги тўққизинчи бўғинида жойлашади. Ўсимлик тўғри суғорилса, июлнинг ўртасида гул ўсиш нуқтасидан 8—8,5 бўғинда, июлнинг охири — августнинг бошларида 7—7,5 бўғинда, августнинг охирида 5—5,5 бўғинда бўлади. Агар ғўза ўсиш нуқтасига яқин жойда гулласа, бу ўсимлик чанқатиб қўйилганлиги ва ғўзанинг ўсиши сусайганлигини кўрсатади. Ғўзанинг ўсиш нуқтаси билан гул ўртасидаги бўғинлар кўпайиб кетса, бу ўсимлик ортиқча суғорилганидан ва ғовлай бошлагандан далолат беради.

Ғўза шоналаб, гуллар кўсакка айлана бошлаган даврда тупроқнинг устки қисми яхши юмшатилиши, нам етарли бўлиши ва бегона ўтлардан тоза ҳолда сақланиши керак.

Культивацияни шундай ўтказиш керакки, ғўза илдизи зарарланмасин. Чунки илдизи зарарланган ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши кечикади, гул ва шоналарини ташлаб юборади, вилт билан касалланиши кўпаяди. Шунинг учун суғоришдан сўнг культивацияни ўз вақтида, кечиктирмай ўтказиш жуда муҳимдир.

СоюзНИХИда ўтказилган тажрибаларда шу нарса исботланганки, тупроқ етилгандан сўнг культивация ўтказишни 3—5 кун кечиктириш пахта ҳосилининг гектар бошига 4—6 центнер ва ундан ҳам знёд камайиб кетишига олиб келади.

Ҳамма ҳолларда ҳам тупроққа сифатли ишлов бериш, кесак кўчишига, ғўза илдизининг зарарланишига, культиватор кўсакларни тўкиб юборишига ва ўсимликни зарарлашига йўл қўймаслик керак.

Бунинг учун культиваторнинг ишчи органлари жойлаштирилган секцияларини, трактор ғилдираклари ва бошқа бўртиб чиқиб турадиган қисмларини тўсиқлар билан таъминлаш лозим. Культиваторларга қаттиқ ҳимоя тўсиқлари ўрнатиш кўзда тутилган. Тажриба эса культиваторнинг ишчи органлари ўрнатилган секцияларини юмшоқ нарса билан ўраб қўйиш ўсимликнинг зарарланишини анча камайтиришини кўрсатди. Ҳосил тўплаш даврида культиваторларнинг четки ишчи органлари тупроқни 5—6 сантиметр, ўртадаги ишчи органлари эса 12—14 сантиметр чуқурликдэ юмшатиб, 12—14 сантиметр ҳимоя зонаси қолдириб кетадиган қилиб ўрнатилиши лозим. Қатор оралари 90 сантиметр бўлган майдонларда культиваторнинг эгат ўртасидаги ишчи органлари тупроқни 16—18 сантиметр чуқурликда юмшатиши керак.

Пахтакор хўжаликларда ғўза қатор оралари тупроқни қатламлаб юмшатишга мўлжалланган ишчи органлари ўрнатилган культиваторлар бор. Бу ишчи органларини қатор оралари 60 сантиметр бўлганда қуйидагича ўрнатилади: четидаги икки ишчи органи тупроқнинг ғўза тупига яқин қисмини 4—6 сантиметр, иккинчи жуфт ишчи органи 6—8 сантиметр, учинчи жуфт ишчи органи 8—10 сантиметр ва ўртадаги ишчи органи 12—14 сантиметр чуқурликда юмшатмоғи керак. Қатор оралари 90 сантиметр бўлганда ўртадаги ишчи органлари тупроқни 16—18 сантиметр чуқурликда юмшатадиган қилиб ўрнатилади.

Ғўзанинг ўсиши кечиккан жойларда, айниқса оғир тупроқли, тез зичлашадиган, тақир тупроқли ерларда экинга ҳар сsafар сув қўйишдан олдин қатор оралариннг ўртасини 25—30 сантиметр чуқурликда юмшатиб культивация қилиш лозим. Шундай қилинса, сувнинг яхши ўтиши, ғўзанинг илдизи жойлашган қатлам яхши намланиши ҳамда кучли илдиз системасининг тез ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратилади, бу эса ўсишни тезлатиш, мўл ҳосил тўплашнинг асосий омилидир.

Бу йилги шароитда чеканка ўтказиш муддатларини тўғри танлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чеканка ғўзанинг ривожланиши ва унда ҳосил шохларининг пайдо бўлишига қараб табақалаштириб ўтказилиши керак. Чеканкани механизмлар ёрдамида икки марта, баъзи жойларда эса 3 марта ўтказиш талаб қилинади. Пайкалдаги ўсимликларнинг кўпчилигида 14—15 ҳосил шохи пайдо бўлганда биринчи марта чеканка ўтказилади. Орадан 8—10 кун ўтказилиб, ўсишдан орқада қолган ғўзалар чеканка қилинади. Хўжалик мутахассислари чеканка ўтказиш муддатлари тўғри танланиши устидан қаттиқ контрол ўрнатишлари лозим.

Бу йилги шароитда ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда кўсак қурти, ўргимчаккана ва шира, касалликлардан эса вилт билан гомоз ғўзага кўпроқ зарар етказиши мумкин.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир Фарғона водийсида, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент областларида кўсак қурти биринчи авлодининг ривожланиши давом этмоқда. Сурхондарё, Қашқадарё областлари ва Бухоро областининг жанубида кўсак қурти капалакларининг оммавий равишда учиб, тухум қўйиши кутилмоқда. Ўргимчаккана тез кўпайиб, тарқалиб бормоқда. Ўргимчаккана тушган жойлар пайдо бўлмоқда. Кўпгина хўжаликларда ёппасига ўргимчаккана билан зарарланган участкалар аниқланмоқда. Ғўзага шира ва трипс тушган жойлар ҳам аниқланаётгир. Шу сабабли далаларни текширишни тезлатиш, ҳар бир хўжалик, бўлим, бригада бўйича ўсимликларнинг конкрет тадбирларини белгилаш муҳимдир.

Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун трихограмма, габробракон ҳамда дендробациллин микробиологик препаратига заҳарли химикатларни камроқ миқдорда аралаштириб қўллаш, бу препаратларни қўлланиш нормалари, муддатлари ва усулларига қатъий риоя қилиш талаб қилинади.

Химиявий дорилар билан аввало зарарланган участкаларни дорилаш, трактор ва қўл аппаратларидан кенг фойдаланиш керак.

Юқорида келтирилган агротехника усулларини июль — августда амалга ошириш ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни бартараф этишга, мўл ҳосил тўплашга ёрдам беради.

Тавсиялар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СоюзНИХИ, САИМЭ, САНИИЗР мутахассислари томонидан тайёрланган.

УЛКАН ХИРМОН

Ҳовос райони ғаллакорлари бу йил мисли кўрилмаган ҳосил етиштирдилар. Урим ҳам ғоят уюшқоқлик билан бошланди. Барча ўрим агрегатлари ва техника воситалари ғалла ўримига сафарбар этилди. Шаҳарлик ҳашарчилар ҳам ғаллакорлар билан ёнма-ён туриб ишга киришдилар. Шу туфайли ўрим кун сайин жадаллашаётир.

Ғалла ўрими, айниқса, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жўрахон Усмонов номли совхозда қизғин давом эттирилаётир. Лалмикор ерларнинг ҳар гектаридан 16—18 центнердан ҳосил олинмоқда. Бу районда рекорд кўрсаткичдир.

Бу йилги ўрим ўз қаҳрамонларини майдонга олиб чиқди. Комбайнчи Турдиназар Асроров ана шулардан бири. У ўз агрегати бункеридан ўн кунда 200 тонна ғалла тўпди. Моҳир комбайнчининг машсумда йиғиштириб олган ғалласи 500 тоннадан ошиб кетди, Комбайнчи Рустам Эшқулов кунига 18 тоннадан ғаллани ўриб-янчиб бериб, ҳамкасбидан қолишмади.

«Ховос» совхози ғаллакорлари, айниқса, натта муваффақиятларга эришдилар. Улар Ватан хирмонига 4800 тонна ғалла тўкишди. Бу топшириқдагидан икки баравар кўпдир. Улкан хирмонга Камолиддин Қорабеков, Лапас Эшмуродов, Зарипбой Маматқулов сингари комбайнчилар катта ҳисса қўшишди.

Тимирязев номли совхоз ғаллакорларининг ҳам эришилган муваффақиятда муносиб улушлари бор. Суратларда: (чапда) Ж. Усмонов номли совхознинг илғор комбайнчиси Р. Эшқулов, ўнгда эса ўрим пайти.

А. УСМОНОВ фотолари, (ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

ЙИЛЛАРДАН ЎЗИБ

«МОЛНИЯ»нинг навбатдаги сони фабрикининг кўп минг кишилик коллективига назбатдаги хушхабарни тарқатди. Бунда Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг яна етти ишчиси беш йиллик топшириқни ado этганлиги маълум қилинди.

Ҳозир «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективида беш йиллик шахсий топшириқларни муддатидан олдин бажарган илғор тикувчиларнинг сони ўттиз кишидан ҳам ортиб кетди. Эндиликда уларнинг сафига яна етти илғор тикувчи қўшилди. Улар Л. Белинская, Н. Либкина, В. Исломгалиева, Л. Кузнецова, З. Бушуева, С. Тодова, А. Дудниковалардир. Бундан ташқари моҳир тикувчилар ишлаб чиқариш бўйича бу йилги социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида ҳам ғалаба рапорти топширдилар.

«Қизил тонг» тикувчилик бирлашмасининг жуда кўпчилик ишчилари кунлик ва ойлик топшириқларини ошириб адо этмоқдалар. Шунингдек, сифатли маҳсулотлар тайёрлаб беришда графикдан ўзиб ишлаётган кўпдан-кўп тикувчиларнинг ишлари меҳнат маромига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бунга фабрикада мунтазам равишда ишлаб турган илғор тажриба мактабининг машғулотлари катта ёрдам бермоқда.

Тажриба мактабида бирлашманинг деярли ҳамма мутахассислари, айниқса илғор тикувчилар ёшларга ўз тажрибаларидан, тиғиз график асосида ишлаш, сифатли маҳсулот тайёрлаш ва бошқа турли-туман илғор иш усулларидан сабоқ бермоқдалар.

— Мен ва дугоналарим эришаётган ютуқларда илғор тажриба мактабининг машғулотлари ва ташаббускор ишчиларнинг прогрессив иш усуллари жуда катта ёрдам берди ва бермоқда, — дейди фабрикининг илғор ишчиси Светлана Тодова. — Бу мактабнинг ишини тағин ҳам жонлантириш, унинг фаолиятини янада кенгайтириш керак.

Я. ТУХТАЕВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚ ҲУКУМАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистондаги аксилинқилобчи унсурлар бир қанча қўшни мамлакатлар реакцион доиралари ва халқаро империализмнинг мадади билан Афғонистон Демократик Республикасига қарши, афғон халқининг революцион ғалабаларига қарши тинимсиз қўпорувчилик ишларини олиб бормоқдалар. Республика душманлари гиж-гижлашдан ва контрреволюцияни таъминлашдан тортиб, АДРга қарши бевосита агрессия ҳаракатлари, қўпорувчилик, одам ўлдириш, тинч аҳолига жабр-зулм қилишгача бўлган ҳар қандай воситаларни ишга солишдан қайтмаяптилар.

АДР хавфсизлик маҳкамасининг масъул вакили ТАСС мухбири билан суҳбатда шуни маълум қилдики, бир неча кун муқаддам шайкалардан бири Кунар вилоятидаги Даройи Нур уезд марказига ҳужум қилди. Босқинчилар молмулкни таладилар, иморатларга ўт қўйдилар, қотиллик қилдилар. Қотилларни инсофга чақирмоқчи бўлган мўйсафид мусулмонни «кофир» деб эълон қилиб, тириклайин гулханда қуйдирдилар.

Аксилинқилобчиларнинг излари чет элларга бориб тақалмоқда, деди Афғонистон вакили. Халқнинг кўмаги билан халқ қуролли кучлари томонидан тутатилган шайкалардан Америкада, Хитойда ва Покистонда ишлаб чиқарилган қурол-яроғ ва ўқ-дори, чет элларда нашр этилган қўпорувчилик адабиёти, кўп миқдордаги ажнабий валюта топилди. Газандаларнинг шайкалари Афғонистонга Покистондан суқилиб кирмоқдалар, шу мамлакатда уларнинг базалари ва машқ лагерлари жойлашган.

Аксилинқилобчиларнинг ёвузликларига кўра, Сароби уезднинг неча минглаб аҳолиси реакциянинг кирдикорларига қарши норозилик митингида қатнашди. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ва ватанпарвар руҳонийлар АДРнинг халқ ҳукуматини қатъиян қўллаб-қувватлашларини, халқнинг инқилобий ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Фараҳ, Гилмон, Нангарҳол, Саманган, Балх вилоятларида ҳам оммавий митинглар бўлиб ўтди.

ИҒВОГАРЛИКЛАР ТУХТАМАЯПТИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Хитой томони Вьетнамнинг чегара районларидаги қуролли иғвогарликларини ҳали ҳам бас қилгани йўқ, дейилади ВИА агентлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида.

10 июль куни ВСР ташқи ишлар министрлиги Хитойга нота юбориб шу хуружга қарши кескин норозилик билдирди, аммо эртаси кун Хитой армиясининг бўлинмалари артиллерия ва миномётлар мадади билан яна Хатуен вилоятининг Меовак уездига бостириб кирди. Вьетнам чегара қўшинларининг ўнлаб жангчилари ўлдирилди ва яradор қилинди. ВСР чегарачилари душманга жавоб зарбаси бердилар.

АМЕРИКА МАЪМУРИЯТИГА ЯНГИ КИШИ ТАЙИНЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер ўзининг энг яқин маслаҳатчиларидан бири Гамильтон Жорданни Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари қилиб тайинлади. Оқ уй матбуот секретарининг эълон қилишича Ж. Картер Жордан зиммасига президентнинг қарорлари бажарилишини контроль қилиш соҳасидаги асосий вазифаларни юклаган. Федерал маҳкамалар ўртасидаги можаролар ва ихтилофларни «тез бартараф этиш» ҳам унга топширилади. Матбуот секретарининг айтишига қараганда Ж. Картер Оқ уйнинг катта ходимлари билан суҳбатда Жорданнинг кўрсатмаларини президентнинг ўз кўрсатмалари деб билиб, ҳеч сўзсиз бажаришлари кераклигини таъкидлаган.

Жорданнинг тайинланиши Ж. Картернинг ўз ҳукуматини қайта тузиш йўлидаги биринчи қадами бўлди. Илгари хабар қилинганидек, президентнинг ташаббуси билан ҳукуматдаги амалдорларни ўзгартириш учун президентга имконият яратиш учун кабинетнинг ҳамма аъзолари ва Оқ уйнинг етакчи ходимлари истеъфога чиққанлар. Истеъфога чиққан кабинет аъзолари ва Оқ уйнинг бошқа ходимлари тақдири тўғрисидаги масала ҳозирча гумон бўлиб турибди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПНОМПЕНЬ. Кампучия информация агентлигининг берган хабарида айтилишича, Кампонгспи вилоятининг шимолий қисмидаги Тхпонг уезда Пол Пот режими ўлдирган кишилар жасади билан тўлган чуқур жарлар топилган. Бу тоғлик район катта қамоқ лагерига айлантирилган бўлиб, Кампучиянинг шимолий вилоятларидан минглаб кишилар шу лагерларга ҳайдаб келтирилаверган. Дастлабки маълумотларга қараганда топилган жарларнинг ўзидангина Пол Пот-Иенг Сари тўдасининг малайлари ўлдирган 26 минг кишининг мурдаси топилди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Американинг энг катта шаҳри бўлган Нью-Йоркда такси ҳайдовчилар бензин нархи тез кўтарилаётганлигига қарши ўзларига хос равишда норозилик билдирдилар. Қатнов энг кучайган эрталабки соатларда икки мингга яқин такси машинаси шаҳар кўприкларига ва туннелларига ўтадиган йўлларни тўсиб қўйдилар.

◆ ТОКИО. Япония Коммунистик партияси тузилган кунининг 57 йиллиги муносабати билан Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети бу ерда симпозиум ўтказди. Уч кун давом этган симпозиум ишида капиталистик мамлакатлардаги ўнлаб компартияларнинг вакиллари қатнашдилар. Симпозиум қатнашчилари коммунистларнинг меҳнаткашлар манфаатлари учун олиб бораётган кураш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

(ТАСС).

«СОВЕТ ҲАРБИЙ ХАВФИ» ТЎҒРИСИДАГИ АФСОНА КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК?

Кескинликнинг юмшатилишига, СССР ва бошқа қардош социалистик давлатларнинг тинчликсевар таклифларига янги зарба беришга уринаётган кучлар кейинги вақтларда Ғарбда ва айниқса АҚШда активлашиб қолдилар. Ҳатто улар кучларнинг мавжуд мувозанатидан келиб чиқадиган ва стратегик ҳужум қуроллари билан қуролланиш пойгаси йўлига муайян равишда ғов соладиган Совет — Америка СҚЧ-2 шартномасини ҳам Совет Иттифоқига «бир томонлама ён бериш», деб тасвирламоқдалар.

Америка генерали Хейг, НАТО бош секретари Лунс, истеъфодаги адмирал Замуолт, сенаторлар Бейкер, Горн ва бошқа кўпгина «қузғунлар» бу кампанияда кўпдан бери етакчилик қилмоқда. Бу шахсларнинг жамоатчилик номидан гапираётганлиги, унвонлари, амаллари ва тутган мавқелари ҳақиқий аҳволдан бехабар бўлган кишиларга баъзан кескинликни юмшатишга қарши курашаётган шу шахсларнинг айтаётган гапларини мўътабар гаплар қилиб кўрсатмоқда. Улар ўз фикрларига ишонтирмоқ учун одатда Совет Иттифоқи СҚЧ-2 битимини «четлаб ўтишга» интилаверади, бу битим АҚШ манфаатига тўғри келмайди, деб даъво қилмоқдалар. «Советлар оғир ракеталар соҳасида устунликка эга», «Африкага суқилиб кирмоқда» деган ва шу каби уйдирма гаплар эшиттиришдан эшиттиришга, мақоладан мақолага ўтиб қайта-қайта такрорланмоқда. Ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи хабарлар ва очиқдан-очиқ ёлғон гаплар ҳамон давом этмоқда. Шунисн характерлики, тинчликсевар кучларнинг янги уруш хавфини орқага суришга интилаётганлигига, кескинликнинг юмшатилишига қилинаётган даъватлар, Советларга қарши гаплар ва «совет хавфи тўғрисида»ги афсона реал натижалар берди, АҚШнинг ҳарбий бюджети кескин равишда оширилди. Шундан сўнг СССРнинг ракета қуввати анча ошириб кўрсатилган экан, деб бу гапларга «аниқлик» киритилган бўлса ҳам, аммо қилинадиган иш қилиниб бўлган эди, монополиялар ақлга сиғмас даражада жуда катта фойда олишга киришган эдилар. Ҳозир ҳам худди шундай бўлаётир. Буржуа милитаристик пропагандаси Ғарб жамиятларини қўрқитиб, қуролланиш пойгасини янги босқичга кўтарибгина қолмасдан, кескинликнинг юмшатилиш жараёнини секинлаштирмоқ учун шароит яратишга ҳам уринмоқда.

«Совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги афсонадан фойдаланиш реакцион доиралариинг меҳнаткашлар ҳуқуқларига ҳужум қилишларига, буржуа демократик эркинликларни чеклаб қўйишларига, коммунизмга қарши пропагандани кучайтиришларига имкон беради. Буржуа пропагандаси «совет қудрати» тўғрисидаги қалбаки, ёлғон маълумотларни мунтазам эълон қилавериб оддий халқни қўрқитмоқда, «совет хавфи» борлиги тўғрисидаги уйдирма гаплар билан халқни доимий ваҳимага солмоқда. Бу эса империалистик юқори табақаларнинг йирик буржуазияга фойдали бўлган социал снёсий чораларни амалга оширишларини осонлаштирмоқда.

Агар ҳозирги аҳвол тўғрисида чуқур ўйлаб кўрилса, Совет Иттифоқи «ҳарбий хавф солмоқда», деган гапларнинг бутунлай хом-хаёл эканлиги аён бўлиб қолади. Ҳар қаҳонгидан кўра кўпроқ қувватли бўлиб қолган, империализмнинг жаҳон миқёсидаги таъсирини кўп жиҳатдан пучга чиқараётган бизнинг мамлакатимиз Совет Иттифоқи мухолифлари ҳар доим бизни қоралаб айтаётганларидек «экспансияни кенгайтириш» ўрнига, ўзининг бутун таъсирини тинчликни ўрнатишга қаратди. Принципиал муҳим бўлган мана шу ҳақиқатнинг мавжудлиги социализмнинг - тинчликсеварлик моҳиятини ифодалабгина қолмасдан, шу билан бирга «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги сийқаси чиққан эски антикоммунистик гапларнинг бутунлай пучлигини ва реакцион гаплар эканлигини ҳам яна бир марта очиб ташламоқда. Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида айтганидек, «на Ғарб учун, на Шарқ учун ҳеч қандай совет хавфи йўқ. Буларнинг ҳаммаси бошдан-оҳиригача мудҳиш уйдирмадир».

Бундай уйдирма империализм учун зарурдир. Шундай уйдирма бўлмаса у қуролланиш пойгасини, милитаризм ўсиб бораётганлигини, ҳарбий тайёргарлик кўрилаётганлигини ва кескинликнинг юмшатилишига қарши ўзининг ҳужумларини қандай қилиб оқлай олади? «Совет ҳарбий хавфи» деган уйдирмаларни тарғиб қилаётганларга СССР Конституциясида, унинг махсус бобида мамлакатимизнинг ташқи сиёсати «агрессив урушларнинг олдини олишга, ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришишга» қаратилган деган қонда ёзиб қўйилганлиги маълум, албатта. Биз тинчликка содиқлигимизни ўзимизнинг амалий ишларимиз билан тасдиқламоқдамиз. Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган ўнлаб таклифлар киритди. Шу таклифлардан бирини ўртоқ Л. И. Брежнев Венгрия Халқ Республикасига шу йил қилган визити вақтида баён қилиб, снёсий юмшатилиш ҳарбий кескинликни юмшатиш билан тўлдирилиши учун зарур чораларни кўриш кераклигини айтди. Бундан бошқача фикрда бўлган ва бошқача иш қилаётган кучлар Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам борлигидан биз айбдор эмасмиз. Буни фактлар кўрсатиб турибди.

1978 йилнинг май ойида бизнинг ташаббусимизга биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қуролсизланишга бағишлаб сессия ўтказаётган бир вақтда НАТО аъзолари бўлган давлатларнинг раҳбарлари Вашингтонда тўпланиб ўзларининг ҳарбий харажатларини ҳар йил 3 процент кўпайтириб боришга қарор қилдилар. АҚШ бюджетидан маълум бўлишича, биргина шу мамлакатнинг ўзи ҳарбий харажатларни 1980 йилда 138,2 миллиард доллардан 1984 йилда 180,4 миллиард долларга, яъни 30 процентдан знёдроқ кўпайтиришни мўлжалламоқда. АҚШда ҳар бири алоҳида объектни мўлжалга оладиган бомбалар ўрнатилган кўп зарядли янги «МХ» ракетаси устида олиб борилаётган ишлар давом эттирилмоқда. «Трайдент-2» деб номланган янги денгиз ракетасини, «Першин» ракеталарининг янги хилини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Совет Иттифоқи Европадаги ҳарбий воситаларни тобора тез кўпайтирмоқда, деб гапиришни АҚШдагилар яхши кўришади. Бироқ ҳақиқий аҳволнинг ўзи қандай? Кейинги йилларда Совет Иттифоқи Марказий Европада ўз қўшинлари сафига битта ҳам солдат, битта ҳам танк қўшганги йўқ. Аммо айни вақтда, шу районда Америка қўшинларининг ўзигина бир неча ўн минг нафар кишига кўпайтирилди. Яна шу нарса ҳам маълумки, американликлар ракетага ўрнатишган ядро бомбалари ва уларни Европага етказиш воситалари сонини 7 мингтадан ошириб юборди.

Кескинликни юмшатишни барбод қилиш, қуролланиш пойгасини кучайтириш масаласида Пекин ҳам агрессив империалистик доиралар билан бирга ҳаракат қилаётганлигини яққол кўриш мумкин. Милитаризмнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай таклифларга Пекин қарши чиқмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев Будапештда айтиб ўтганидек, ҳозирги шароитда ҳам Хитой жиддий ҳарбий хавф манбаи бўлиб қолди. Бу нарса тинчликсевар кучларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Реал фактлар мана шундай. Уйдирма «совет ҳарбий таҳдиди» эмас, балки империалистик доираларнинг сиёсати уруш хавфини туғдирмоқда. Империалистик доиралар зўравонлик позициясидан туриб ҳаракат қилиш, ҳарбий устунликка эришиш ва социализм мамлакатларига ўз айтганларини қилдириш фикридан воз кечганлари йўқ. Лекин бундай умидлар рўёбга чиқмайди.

Генерал-майор Д. ВОЛКОГОНОВ, фалсафа фанлари доктори.

(ТАСС).

РЕГИСТОН ЯНА НАВҚИРОН

Бутун дунёга машҳур ўрта аср меъморчилигининг дурдоналари — Регистон ансамбли — Регистон ва туристлар кўзи олдида яна бўлди.

Темурнинг набираси, ҳоким ва олим Улуғбек 1417—1420 йилларда Мовароуннаҳр пойтахтидаги қумтепа устига дорилфунун қурдирди. Эндиликда у Улуғбек мадрасаси деган ном билан машҳур. Орадан роса икки юз йил ўтгач, Самарқанд ҳокими Ялангтўш унинг қаршисида бамисоли Улуғбек мадрасасининг «акси» бўлган яна бир мадраса қурдирди (унинг пештоқлари ҳам, икки ёнбошидаги миноралари ҳам ўхшаш эди). Лекин Шердор мадрасаси деб номланган бу мадраса Улуғбек қурдирган иншоотдан анча катта ва ҳашаматли эди. Орадан яна ўн йил ўтгач, мана шу икки мадрасани бир-бирига туташтиргандек бўлиб, унинг шимолида янада ҳашаматли безаклар билан яратилган Тиллақори масжиди қад кўтарди.

Шу тариқа ноёб Регистон архитектура ансамбли вужудга келди. Шаҳар миқёсида эса Регистоннинг ўзи архитектура ёдгорликларини бир-бирига боғловчи бўғин ролини ўйнади. У ўзидан олдин барпо қилинган ва шу вақтгача сақланиб келаётган гўзал биноларни, Чўпон ота, Шоҳи Зинда, Бибиҳоним ва Гўри Амирни занжир халқаларидек бир-бирига туташтирди, деса бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Регистон Самарқанднинг ўтмишдаги улуғлигини қайта тиклаш учун қилинган уриниш бўлган эди. Лекин оқибат натижа шу бўлиб чиқдики, қумтепадаги ажойиб ансамбль, Самарқанднинг бутун қадимий ва ўрта аср шуҳратига ўхшган бамисоли бир фотиҳа бўлиб янгради. Гап шундаки, Темур даврида «жаҳон пойтахти» ролини ўйнашни даъво қилган Самарқанд ҳатто Мовароуннаҳрнинг маркази бўлмай қолиб, Бухоронинг, бир вақтлар эса Хиванинг вилояти даражасига тушиб қолди, феодал бекларнинг бемаъни ва шафқатсиз кураш майдонига айланди, шаҳар таланди. XVIII асрнинг ўрталарига келиб Регистон мадресалари отхоналарга айлантирилди.

Ундан кейинги 100 йил Регистон тақдирини ҳеч ўзгартирмади. Шаҳар ҳокимлари шаҳарнинг ўтмишдаги шуҳратига ғаразгўйлик қилиб, дин пешволари эса Улуғбек мадрасасининг ўтмишда дунёвий билимлар маркази бўлганлигидан нафратланиб, майдон ва саройларни дўкончалар, отхоналар, ахлатхоналар ва такялар билан атайин тўлдириб юбордилар. Шарқнинг энг истеъдодли усталари бино қилган Самарқанднинг мана шу мукаддас жойлари таҳқирланишига биринчи бўлиб рус маданиятининг тараққийпарвар намояндалари ошкора қарши чиқдилар, бу борада маҳаллий маърифатпарварларни ва демократларни бутун кучлари билан қўллаб-қувватладилар. Туркистон Россияга қўшиб олинганидан кейин дарҳол мана шундай қилинди. Шуниси диққатга сазовордики, ўша вақтлардаёқ атоқли рус рассоми В. Верешчагин чизган «Самарқанднинг Регистон майдонидаги Шердор мадрасаси», «Масжид дарвозаси олдида» деб номланган ва бошқа расмларда саройларнинг ўзидаги Шарқ нақшлари ва бўёқлари Самарқанд манзараси ва осмони билан уйғунлаштириб, жуда синчиклаб ва аниқ тасвирланади, бу расмларга «Самарқанд ноёб санъат асарларининг муҳофаза ёрлиғи» деб ном берилган.

Совет ҳокимияти қадимий ёдгорликларга ғамхўрлик қилишни дастлабки кунларидаёқ ўз зиммасига олди. Шуниси характерлики, ёш ишчи-деҳқон давлатининг нигоҳи биринчи бўлиб Самарқанд ёдгорликларига тушди. В. И. Ленин бу ёдгорликлар қониқарсиз аҳволда эканлигини эшитиб, уларни тартибга солиш учун маблағ ажратишни таклиф қилди. В. Бонч-Бруевичнинг «Владимир Ильич Самарқанддаги машҳур тарихий масжидни, Шарқ санъатининг мана шу ҳайратомуз мувaффақиятини ремонт қилиш зарурлигига нечоғлик эътибор берганлиги» тўғрисидаги сўзлари кенг кўпчиликка маълум.

1922 йилдаёқ бир янгилик кўпгина мамлакатларга тарқалди, Самарқандда Улуғбек мадрасасининг қийшайиб қолган минорасини тўғрилашга қарор қилинди. Дунё миқёсида бундай қайта тиклаш ишлари ҳали қилинмаган эди. Яқинда бир неча минг тоннали ғарбий минорининг ҳам қадди ростлаб қўйилди. Бу иш техника фанлари кандидати Ю. Гендель бошчилигида, Москва ва Тошкентнинг бир группа олимлари раҳбарлигида ва улар томонидан қилинган ҳисобларга асосланиб бажарилди. Самарқанддаги таъмирлаш ишларига кейинги ўн йилнинг ўзидагина бир қанча миллион сўм берилди. Ҳасан Мўминов, Абдуқаюм Ғафуров, Тоир Жалолов ва бошқа ажойиб таъмирчи усталарнинг кучғайрати билан Шердорнинг катта пештоқи, ички ва ташқи деворларида, минораларда ва гумбазларда қадимий усталарнинг нусхаларига қараб ишланган ялтироқ нақш ва ғиштлар яна ярқираб турибди. Гўри Амир ва Тиллакори мадрасаси гумбазларининг ички безакларида яна олтин пайдо бўлди. Бу олтинни СССР Давлат банки Кремль ёдгорликларини таъмирлаш учун берганидек Самарқанд учун ҳам сахийлик билан берди.

Таъмирлаш натижасида Самарқанд ёдгорликларининг кўпи асл ҳолига келтирилди. Регистон ансамблига келганда, ўтган асрлар давомида майдонда, унинг атрофида пайдо бўлган ер қатламлари унинг мутаносиблигини бузиб юборган эди. Саройлар худди тизсасигача тепаликка кўмилиб келгандек кўринарди. Олимларнинг аниқлашича, табиий ҳанг ўтираверсаг, шунингдек ғилдираклар, отларнинг туёқларидан кўтарилган тупроқ унашавериб ва эски ахлатлар бир-бирига қатланавериб Регистон майдони асрлар давомида 2—2,5 метр баланд кўтарилиб қолган.

Ўзбекистон илмий таъмирлаш лойиҳа устахонасининг лойиҳасига биноан (лойиҳанинг бош архитектори И. Пинхасов) Регистон майдони ва унинг атрофини тозалаш бошланди. Бу ишда минглаб самарқандликлар қатнашдилар. Чорак миллион кубометр тупроқни олиб ташлашга тўғри келди. Бу иш фақат кетмон ва белкурак билан бажарилди. Тупроқнинг ҳаммаси ғалвирдан ўтказилди. Ўтмишнинг моддий қолдиқларидан ҳеч бири йўқолмасин, деб шундай қилинди.

Ҳар бир қатламда танга чақалар, турли асрларнинг рўзғор буюмлари сақланиб қолганлиги аниқланди. Ўтмишдаги биноларнинг пойдевор қисмлари, ҳовузларнинг гранит плиталар ётқизилган қирғоқлари, ғўрлар топилди... Ниҳоят XV асрда майдонга ғишт ва мармар ётқизилганлиги маълум бўлди. Шундай бўлиши кутилган эди. Натижада майдоннинг ўзи асл ҳолида намоён бўлди. Майдоннинг тагида сопол қувурлардан қилинган водопровод топилди. Регистон ансамбли ўз биноларининг пештоқлари, гумбазлари ва мадрасаларнинг миноралари билан бирга баланд кўтарилгандек бўлди, бинолар дастлабки меъморий мутаносиблигига келтирилди. Саройларнинг қайта тикланган нақшлари эса уларнинг ҳуснига яна ҳусн қўшди.

Ўзининг асл гўзал ҳолатига келтирилган Регистон қудратли индустрия шаҳри, олий ўқув юртлари шаҳри бўлган Самарқанднинг бугунги ҳолатига жуда чиройли ва яраша бир ҳолга келди. Ансамблнинг жанубий томонидаги айвонларда «Самарқанднинг қалби» деб номланган ва унинг мисли-сиз кечки нурафшон манзарасини томоша қилмоқ учун минг кишилик амфитеатр пайдо бўлди. Майдоннинг ғарб томонида уч минг ўринли яшил театр, майдоннинг олди қисмида оқ Нурота мармаридан эсалган баркашлар ўрнатилган фавворалар қурилди. Ундан сал нарида шоирлар бўстони пайдо бўлди, хиёбонларда дарахтлар ўтқазилиб, уларнинг орасига халқ бахшиларининг ҳайкаллари ўрнатилди. Тепаликда шоирлар монументи қад кўтарди, Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий ёнма-ён қадам ташлаб бормоқда, уларнинг кўп йиллик ҳаёти ва ижоди Самарқанд билан боғланган.

Регистонни таъмирлаш ниҳоясига етказилганлиги жаҳоннинг турли мамлакатларидан Самарқандгинг ноёб архитектура ёдгорликларини кўриш учун келаётган меҳмонлар ва туристларни тағин ҳам кўпроқ қизиқтиради. Янгиланган ансамблнинг тантанали очилиши шарафига шаҳарда халқ сайиллари бўлиб ўтди.

Г. ДИМОВ,
«Известия» газетасининг ўз муҳбири.

САМАРҚАНД.

(«Известия» газетасининг 20 июль сонидан олинди).

КУЧЛИЛАР, ЧАҚҚОНЛАР ВА ДОВЮРАКЛАР БАЙРАМИ

СПАРТАКИАДАГА МАРҲАМАТ

БУГУН СССР ХАЛҚЛАРИ ЁЗГИ VII СПАРТАКИАДАСИ БАЙРОҒИ ТАНТАНАЛИ СУРАТДА ҚУТАРИЛАДИ

Спорт, жисмоний тарбия совет кишилари ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, ёшларни ҳар томонлама камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолди. Спорт — бу сиҳат-саломатлик, яхши кайфият, ишлаб чиқаришда эса меҳнат унумдорлигини ортишига қўшилган муносиб ҳиссадир. Спорт — бу тинчлик белгиси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ўзаро боғловчи ажойиб воситадир. Ҳа, мамлакатимиз спорт нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Партия ва ҳукуматимиз совет ёшларининг жисмонан бақувват ва соғлом камол топишлари учун катта эътибор бериб, барча имконият ва шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар.

Бугун Ватанимиз пойтахти Москвада спортчиларнинг йирик анжумани — СССР халқлари ёзги VII Спартакиадаси байроғи тантанали суратда қутарилади. Яна 364 кундан кейин — 19 июль оқшомида Москва Олимпиадаси тантаналари бошланади. Бугунги кунда ҳар бир спортчи ёки спорт билан боғланган ҳар бир кишининг барча ҳаракатлари ана шу Олимпиада ўйинларига пуҳта тайёргарлик кўришдан иборат бўлиб турибди. Бугун спортнинг 30 тури бўйича қизғин мусобақалар давом этаётган, баҳслар Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бош репетицияси, деб юритилаётган СССР халқларининг Спартакиадаси иштирокчилари ўз маҳоратларини ишга солиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишга астойдил ўринмоқдалар.

Спартакиада мусобақалари миллионлар мусобақаси, деб юритилади. Бу бежиз эмас. Бундан тўрт йил бурун ўтказилган Спартакиада баҳсларида 55 миллиондан зиёд йигит-қиз ўзаро куч синашган бўлса, кичик Олимпиада деб юритилаётган бу йилги Спартакиада мусобақаларида куч синашиш учун юз миллиондан кўпроқ ёшлар турли мусобақаларда стартга чиқдилар. Спартакиада чемпиони бўлиш учун жаҳоннинг 87 мамлакатидан ташриф буюрган 2,5 минг спортчининг иштирок этаётганлиги чемпионлик учун кураш халқаро миқёсдаги талабларга жавоб беришидан дарак бериб турибди.

Маълумки, Спартакиада мусобақаларида маҳоратли спортчилар сараланади. Улар орасида келаси йил Олимпиада байроғи остида совет спорти шарафини ҳимоя қиладиган СССР терма командаси состави аниқланади. Энди Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз мезбон, майдон эгалари сифатида куч синашадилар. Уларнинг қўлга киритиладиган ютуқлари ҳам шунга яраша бўлиши даркор. Куни кеча Олимпиада чемпионлари П. Болотников, Г. Зибина, В. Капитонов, Л. Лисенко, А. Медведь, И. Новиков, Н. Пономарева, Ю. Тюкалов, Н. Чижова ва Л. Яшинлар СССР халқлари ёзги VII Спартакиадаси финалчилари — мамлакат Олимпиада бош резервига мурожаат қилдилар. Унда жумладан бундай дейилади: «Социалистик қурилиш, совет турмуш тарзи ҳар бир совет кишиси учун ҳаётнинг барча жабҳаларини, жумладан спортда ҳам ўз қобилиятларини юзага чиқариш учун кенг имконият яратмоқда. Биз Советлар мамлакати жаҳоннинг пешқадам спорт масканига айланганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз... Социалистик Ватан спортчиларга ҳамма нарсани бермоқда, спортчилар эса ўз навбатида куч ва маҳоратларини ишга солиб, байроғимиз шарафи учун астойдил курашмоқдалар».

Серқуёш республика спортчилари ҳам мамлакат ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда Совет Иттифоқи спорт шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари пахтакор диёримизда ҳам физкультура ва спортни янада ривожлантириш учун йилдан-йилга кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Вакилларимиз СССР халқлари Спартакиадасига тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланган республика Спартакиадаси мусобақаларида муваффақиятли куч синашиб, шу кунларда Москва спорт базаларида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Қўлга киритилаётган ютуқлар ҳозирча чакки эмас. Спартакиаданинг дастлабки мусобақаси бошланган кун СССР Спорт комитети раисининг ўринбосари, СССР халқлари VII Спартакиадасининг бош судьяси А. Колесов Ўзбекистон спортчилари мавқеини қуйидагича баҳолаган эди:

«Ўзбекистон командаси аввалги Спартакиада мусобақаларида тўққизинчи ўринни эгаллаган эди. Шундан кейин ўтган йиллар мобайнида республикада спорт ишларини ривожлантириш, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт ишларини яхши йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тармоғи кенгайди. Ўринбосарлар тарбиялашга етакчи тренерлар жалб қилинди. Спорт базалари моддий-техника жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу эса, мактаб ўқувчиларининг Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ XV Спартакиадаси ва Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари мусобақасида ўз самарасини берди. Республика командаси ҳозир умумий ҳисобда олтинчи ўринни эгаллаб турибди ва шу ўринни Спартакиада мусобақалари охиригача ушлаб туриш учун барча имкониятларга эга».

Республикамиз спорт делегацияси аъзолари бугунги кунда ана шундай юксак баҳога яраша ҳаракат қилиб, ишончли оқламоқдалар. Ўзбекистон терма командаси қариб 400 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Бундай ютуқни қўлга киритишда самбочилар, қиличбозлар ва қайиқ ҳайдовчилар катта ҳисса қўшдилар. Самбочилар ўртасида Ўзбекистонлик спортчилардан сурхондарёлик Тоҳир Дурдиев биринчи совриндор бўлди. У бронза медалини қўлга киритди. Тўғри, ҳозирча спортчиларимиз голиблик супасининг юқори поғонасига кўтарилиб, кўксиларига олтин медаль тақишгани йўқ. Муҳими шундаки, спортчиларимизнинг кайфияти яхши ва шаштлари баланд. Улар совриндорлик учун астойдил курашмоқдалар. Республика очколар жамғармасига улуш қўшиб, команда мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Ҳозирча қайиқ ҳайдовчилар олтинчи ўринни эгаллаб, кўпчиликни мамнун этишди. Баҳолонки, қайиқ ҳайдовчиларимиз аввалги Спартакиадада тўққизинчи ўрин билан кифояланишган эди. Шахматчилар ўртасида фарғоналик Игорь Ивановнинг жаҳон чемпиони А. Карповдан устун келиши кутилмаган воқеа бўлди. Игорь унча кўп бўлмаса-да, жаҳон чемпионини енгган спортчилар сафидан ўрин олиб, мухлисларни қувонтирди. Тошкентлик сув тўпи усталари ҳам кўтаринки руҳда куч синашмоқдалар. Бугун — енгил атлетикачилар, футболчилар, чим хоккейчилар ва беш курашчилар чемпионлик учун кураш бошлайдилар.

Айни кунларда мамлакатимизнинг спорт воқеаларига бой маскани —Лужниккидаги В. И. Ленин номли Марказий стадион Лепинские Горидан кўзга ташланиб турибди. Қариб 180 гектар майдонни эгаллаган йирик спорт комплексининг манзараси ўзгача. Кумушдек товланиб оқаётган Москва дарёси соҳилидаги бу спорт даргоҳида мамлакатимиз ёшлари кучлилик, чаққонлик ва довюраклиги намойиш этмоқдалар.

Суратда: СССР халқлари ёзги VII Спартакиадасининг финал ўйинлари ўтказиладиган Лужники стадиони.

(ТАСС фотоси).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЧОЙЛАРНИНГ ХИЛИНИ БИЛАСИЗМИ?

Грузияда қадоқлана бошлаган чой — Фей-ча иссиқда кишининг чанқоғини қондиради, салқинда эса иситади. Унинг ҳиди қир гулларникига ўхшаб кетади, таъми эса ёқимли.

Фей-ча шарқ мамлакатларида қадим замонлардан бери маълум. Аммо уни анъанавий тайёрлаш усули машаққатлидир. Шунинг учун ҳам у ҳамиша қиммат турган ва ғоятда ноёб бўлган. Грузиялик мутахассислар Фей-ча тайёрлашни замонавий шароитларга мослаб механизациялаштирдилар. Шундай қилиб бу йил 11 минг тоннадан ошиқ Фей-ча тайёрланади.

Чой ҳар хил бўлади. Қора чой, кўк чой, сариқ чой бор. Одатдаги қуруқ чой ва бир дамлашлик таблетка ҳолидаги чой, кофега ўхшаб эриб кетадиган чой бор. Бўёқ чой борлигини ҳам биласизми? Ундан зангори қизил, сариқ ва яшил бўёқлар олинадики, кондитерлар бундай чойни ғоятда қадрлайдилар.

А. КОКАЯ,
(ТАСС муҳбири).

Тбилиси.

Болагинамнинг боласи —қантак ўрининг донаси. Бўстонлиқ районининг «Чорвоқ» совхозида яшаётган 73 ёшли Анорхон ая Шукурова бўш вақтларини қувноқ набиралари даврасида ўтказади. У ҳаётини меҳнатсиз тасаввур эта олмайди. Онахон бу йил 10 гектар пилла қуртидан 35 килограмм пилла етиштириб, жонажон совхози меҳнат хирмонига ўз улушини қўшди. Суратда: Анорхон ая набиралари Муҳайё ва Уткир билан.

И. ПОРТНОВ фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЙДАГИ АЛЮМИН ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

Олимлар Ой тупроқ жинсларида темир, мис, никель, хром, титан борлигини аниқлашган. СССР Фанлар академиясининг Москвадаги руда конлари геологияси, петрография, минералогия ва геохимия институти олимлари олиб борган тадқиқотлар бу рўйхатни тўлдириш имконини берди . Ой тупроғи жинсида яна бир металл — алюмин зарралари топилди.

Маълумки, алюмин ерда фақат бирикма ҳолда учрайди. Афтидан ер қаъридан магма отилиб чиққан пайтда кислород мавжудлиги унинг соф ҳолда пайдо бўлишига тўсқинлик қилса керак. Ойда эса физик-химик шароитлар бунга жуда мос.

Статистика маълумотларига қараганда, нитрофос деб аталувчи қимматбаҳо минерал ўғитнинг бешдан бир қисми узоқ сақланганда, шунингдек ташиш вақтида қотиб харсангга айланиб қолади. Уни аввалги ҳолига қайтариш эса анча мушкул иш.

Мутахассислар бундан қутулиш чорасини топдилар. Бунинг учун ўғит уюми устига аэрозол қурилмаси ёрдамида арзон сульфат кислотаси аралашмаси юзалатиб сепиб чиқилса бас.

СУВ ҚУЙМАЙ

Финландиянинг «Акуутеолли суус» фирмаси кислотали аккумуляторлар ишлаб чиқаришга киришди. Бундай аккумуляторларнинг афзаллиги шундаки, уларга вақти-вақти билан яхши тозаланган сув қуйиб туриш шарт эмас. Ҳамма гап кўрғошин қотишмасига одатдаги сурма ўрнига кальций ишлатишда экан.

Тўғри, кўрғошин-кальций қотишмасининг кислород ва водород чиқариш оқибатида электролит емирилиб боришига йўл қўймаслик хусусияти илгари ҳам маълум эди. Лекин бундай қотишма жуда ҳам мўрт бўлганлиги учун аккумуляторларда ишлатилмасди. Фин фирмаси мутахассислари худди ана шу қотишмадан аккумулятор пластинкалари тайёрлашнинг янги технологиясини таклиф этдилар. Қотишма бир неча марта совуқ прокатка қилингани учун ҳам пишиқ ва чидамли бўлиб қолди.

ХУШХАБАРЛАР

Қорақалпоғистоннинг энг жанубидаги Сазакино-Тўрткўл газ қувурида сўнгги чоқ пайвандланди. Бу газ қувурининг фойдаланишга топширилиши йигирма мингдан кўпроқ хонадонни суюлтирилган газ ўрнига табиий газ билан таъминлаш имконини беради. Жамбасқалъа ва Қирққиз массивидаги чўлқуварлар юртига «зангори ёқилғи» етиб келади.

* * *

Янги троллейбус линияси ишга тушди. Бу линия Фарғонанинг саноат райони Қирғулини ўзбек шойисининг қадимий маркази Марғилон билан боғлади. Энди область марказида троллейбус линияларининг умумий узунлиги эллик километрдан ошиб кетди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

ВЦСПС «Ҳурмат Белгиси» орденли меҳнатни муҳофаза қилиш Бутуниттифоқ марказий илмий-тадқиқот институтининг

ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

ЛАБОРАТОРИЯЛАР ВА БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Касб касалликлари профилактикаси мудири (фан кандидати);

катта илмий ходимлар: саноат вентиляцияси ва ҳавони кондиционлаштириш корхоналарига илмий-техника ёрдам бериш ва татбиқ этиш (корхоналарга илмий-техник ёрдам бериш группасига), ташқи ҳимоя воситалари (техника фанлари кандидатлари ёки бой иш тажрибасига эга бўлганлар), саноат акустикаси (илмий даражасиз).

Конкурс муддати — 5 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй (10, 28, 34, 49-автобуслар-нинг «Медгородок» бекати).

Ўрта Осиё рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти

лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходим: кон геологияси;

кичик илмий ходим: гидрометаллургия.

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари ҳамда фойдали қазилмалар геологияси ва ер ости қазилмалари запасини ҳисоблаш ва рангли металлар металлургияси соҳасида бойитиш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 15 августгача.

Конкурс шартларига мувофиқ ҳужжатлар институт директори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри. Пушкин кўчаси, 59-уй.

Узбекистон ССР Маориф министрлиги

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ РЕСПУБЛИКА ҚИЗЛАР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—1980 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган, 15 ва ундан катта ёшдаги ўзбек ва бошқа маҳаллий миллат қизларидан рус тили ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган бошланғич синф ўқитувчилари, 4—8-синфлар учун меҳнат ва чизмачилик ўқитувчиларини тайёрлайди.

Қабул қилинганлар давлат ҳисобидан бепул овқат ва умумий қоидага мувофиқ стипендия билан, узоқ областдан келганлар бепул ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: рус тили ўқитиш ҳуқуқига эга бўлган бошланғич синф ўқитувчиси мутахассислигига кирувчилар — рус тили (суҳбат), она тили (диктант), математика (оғзаки).

4—8-синфларнинг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчиси мутахассислигига кирувчилар — чизмачилик, она тили (диктант), математика (оғзаки).

Билим юртига киришни хоҳлаганлар директор номига ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), соғлиги ҳақида справка (286 форма), 4 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Халқлар дўстлиги проспекти, 27-уй. Телефон: 76-02-56.

«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси коллегияси, партия ва жамоат ташкилотлари бирлашма техника бошқармасининг бошлиғи Ғ. А. Бобохоновга отаси

Абир БОБОХОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги коллективи Узбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирининг ўринбосари В. Ш. Шукуровга отаси

Мустақим ШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ. 9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Қувноқ ноталар. 10.10 — Қаҳр. Спектакль. 3-серия. 11.55 — Тонгги почта. 12.25 — Ғолиблар. 13.55 — Ашуладан «4» баҳо. Бадиий фильм. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Мультфильмлар. 15.45 — Таллиннинг музикали манзаралари. 16.15 — Здоровье. 17.00 — Камалак. 17.30 — Спортлото. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 17.55 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.40 — Концерт. 19.00 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасининг тантанали очилиши. 21.30 — Вақт. 22.00 — Концерт. 24.00 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 10.00 Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 10.55 — Биз Сирдарёданмиз. 11.55 — Узбекистон спорти. 12.35 — Ешлик. 13.05 — Сиҳат-саломатлик. 13.35 — О. Матчон. Юртим афсонаси. 14.05 — Қуёшли ўлка марширутлари. 18.20 — Мультфильмлар. 19.00 — Шоирлар болаларга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ер ва диёр тароналари. 21.30 — Вақт. 22.00 — Оламда нима гап? 22.30 — Унутилмас баҳор. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 17.00 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Л. Шарипова қўйлайди. 9.15 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Дугоналар. 11.15 — М. Тошматов куйлайди. 13.00 — Чорвачилик бўйича социалистик мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.00 — Парваришни намунали ўтказиб, ғўзаларнинг авж олишини тезлаштирамиз. 16.10 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 17.45 — Рубоб тароналари. 18.15 — Партия ходими минбари. 19.00 — Москва. СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасининг тантанали очилиши. 20.25 — Музикали глобус. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.50 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида. 22.28 — Лирик концерт. 23.00 — СССР халқлари VII ёзги Спартакиадасида.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси нинг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06391. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 165.